



ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ

№4 (56) 2023

# АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА

# 100

2023 МАХСУС СОН **СПЕЦВЫПУСК  
SPECIAL ISSUE**

[www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)  
ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЈЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЈА КОМИССИЈАСИ РАЪСАТИНИНГ 2013 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ  
201/3 – СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН





## МУАССИС:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

#### Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

#### Масъул котиб:

Давурхон Нодиров

#### Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Эркин Юлдашев

Дилшод Раҳимов

Мирақбар Раҳмонқулов

Акмал Саидов

Раҳим Ҳақимов

Патрик Олссон

Ичихаши Кацуя

#### Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим Болтаев

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Нигмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Гулчеҳра Маликова

Баҳодир Исмаилов

Матлуба Аминжоновна

Авазбек Комиллов

Адхам Одинаев

Бахтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуршид Каримов

Носиржон Аскарлов

Алишер Ҳидоятуллоев

Истам Астанов

Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2023 йил 25 мартда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

#### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: [www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)

e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма №278-23 Адади 594

Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб

фабрикасида чоп этилди.

#### Босмаҳона манзили:

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.

Тел.: 71 234-44-01/05. [www.credoprint.uz](http://www.credoprint.uz)

## МУНДАРИЖА

<b>Н.ЙЎЛДОШЕВ</b>	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида юридик фан ва таълим: назария ва амалиёт уйғунлиги сари	<b>3</b>
<b>А.САИДОВ</b>	Янги Ўзбекистон Конституцияси: инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва прокуратура органлари	<b>8</b>
<b>А.МАВЛОНОВ</b>	Коррупциясиз божхона хизматини ташкил этишнинг рақамли компонентлари	<b>13</b>
<b>В.П.ЗИМИН, В.В.ЗИМИН</b>	Международные антикриминальные стандарты: понятие, источники и обеспечение их соблюдения на национальном уровне	<b>20</b>
<b>М.ТИЛЛАБАЕВ</b>	Новая конституция Узбекистана и национальные институты по правам человека	<b>27</b>
<b>Ҳ.БОЛТАЕВ</b>	Прокуратура органлари фаолиятининг ва уни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари: миллий ва хорижий таҷриба	<b>32</b>
<b>Б.ПЎЛАТОВ</b>	Адолатли суд муҳокамасига бўлган халқаро-ҳуқуқий кафолатларнинг янгиланган миллий конституцияда ифодаси	<b>40</b>
<b>Ф.РАҲИМОВ</b>	Конституциямиз — мамлакат ривожланишининг ҳуқуқий асоси	<b>45</b>
<b>У.АХУНОВ</b>	Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предмети тушунчаси, мазмуни ва илмий-назарий асослари	<b>49</b>
<b>E.LAUDIC-BARON</b>	Judicial training in france: a catalyst for upholding the rule of law	<b>54</b>
<b>Z.XUNYIN</b>	Flipped classroom teaching methods in chinese procuratorial education and training: the application and innovations	<b>57</b>
<b>R.URINBOYEV, N.AZIZOV</b>	Understanding corruption: an interdisciplinary socio-legal perspective	<b>61</b>
<b>И.МОРОЗ</b>	Криминологическая экспертиза проектов нормативных правовых актов: история, организация и опыт проведения	<b>66</b>
<b>Л.ЗАЙЦЕВА</b>	Дискреционные полномочия прокурора по делам о примирении обвиняемого с потерпевшим	<b>70</b>
<b>В.Ф.КРЮЧКОВА</b>	Проблемы противодействия легализации доходов, полученных преступным путем	<b>75</b>
<b>М.МАМАСИДДИҚОВ</b>	Янгиланган конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари	<b>78</b>
<b>Н.ФАРХОДЖОН</b>	Прокуратура фаолиятини ташкил этишда мустақиллик принципи ва унга риоя қилмаслик оқибатлари	<b>82</b>
<b>С.ЯШКОВ</b>	Повышение квалификации следователей следственного комитета российской федерации: становление, развитие, современность	<b>87</b>
<b>А.РАХМЕТОЛЛОВ, И.КАЛАНДАРОВ</b>	К Отдельным положениям международных актов как фундаментальной основы обеспечения национальной безопасности	<b>91</b>
<b>Х.ОДИЛҚОРИЕВ</b>	Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси ва қонун ижодкорлиги институтининг такомиллашуви	<b>95</b>
<b>Ш.ГАНИБАЕВА</b>	Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси, тарихи ва ривожланиши	<b>99</b>
<b>М.ТУРГУНОВ</b>	Абу Наср Форобий давлатларнинг келиб чиқиши ҳақида	<b>105</b>
<b>А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ</b>	Мажбуриятларни бажарилишини таъминлашда банк кафолатининг ўзига хос хусусиятлари	<b>109</b>



Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,  
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

## ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ЮРИДИК ФАН ВА ТАЪЛИМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ САРИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида суд-ҳуқуқ тизимининг ривожланиш босқичида кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган, адолат ва қонунийликни ўз фаолиятида шиорга айлантирган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш масаласидир.

Зеро, ҳар ишда одил бўлиш, золим бўлмаслик, ноҳақлик қилмаслик гўзал ахлоқдандир. Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари”да шундай ёзади: “Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим”.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, азалдан адолат бўлган жой гуллаб-яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат оёқости қилинган жойда эса разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

Ўз навбатида, мазкур тамойил давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ислохотлар дастурини амалга оширишда роли сезиларли даражада ошган ва мамлакатимиздаги самарали ислохотларни амалга ошириш борасида фаолият йўналишларини кенгайтирган прокуратура органлари учун айниқса долзарбдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, айниқса, жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технология-

ларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш талаб этилмоқда. Айниқса, инсон қадрини юксалтириш, “қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини ҳамда мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашни тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш талабидан келиб чиқиб, тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш вазифалари кўзда тутилди.<sup>2</sup>

Ўз навбатида, бу каби устувор вазифаларни амалга ошириш учун, шубҳасиз, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, адолат ва масъулият каби юксак тўғуларни ўзида шакллантирган, мамлакатимиз қонунларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этадиган юқори малакали ходимлар талаб этилади.

Айниқса, жиноятларни тергов қилиш ва суриштирув идоралари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз ошириб боришнинг янги самарали тизимини яратмасдан туриб, юқори малакали терговчилар корпусини шакллантириш имконсиздир.

Шу маънода, 2022 йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони<sup>3</sup> қабул қилингани бу

1 Темур тузуклари. ЎзФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Б.Аҳмедов таҳрири остида. -Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991 й. –56-бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сон фармони // <https://lex.uz/docs/6299077>

йўналишда улкан аҳамият касб этди.

Республика прокуратураси, шунингдек, суриштирув ва тергов органлари учун малакали кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида мазкур фармонга мувофиқ Бош прокуратура академиясининг негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) ташкил этилди.

Фармон билан Академиянинг моддий-техник базаси ва таълим жараёнини ташкил этиш учун зарур шароитларни яратиш чоралари назарда тутилди. Шунингдек, Академиянинг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Фармон билан прокуратура органлари ходимларининг умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш чораларини назарда тутувчи маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Академияга Бош прокуратуранинг ташкилий тузилмаси таркибига кирувчи юридик шахс мақомига эга ихтисослаштирилган олий ўқув ва илмий-тадқиқот муассасаси ваколатлари берилди. Академиянинг устави тасдиқланиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, фаолиятни самарали ташкил қилиш бўйича ички ташкилий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг ташкил этилиши мамлакатимизда замон талаблари ва халқаро стандартлар асосида суриштирув ҳамда тергов идоралари учун жиноятларни тергов қилиш соҳасида мутахассисларни чуқурлаштирилган мақсадли базавий тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз ошириб боришнинг янги самарали тизимини яратиш борасидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистонда терговчиларни тайёрлаш ва уларнинг касбий малакаларини ошириш бўйича ягона марказлаштирилган тизим мавжуд эмас эди.

Бош прокурорнинг 2022 йил 26 декабрдаги 2141-сонли буйруғи билан Академиянинг штат жадвали тасдиқланди ва штат бирлиги малакали кадрлар билан тўлдирилди. Айти пайтда Академияда 30 нафарга яқин фалсафа доктори (PhD), 10 нафарга яқин фан доктори (DSc), 20 нафарга яқин доцент,

10 нафарга яқин профессор илмий унвонига эга бўлган ходимлар фаолият олиб бормоқда.

Ходимларнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 30 сентябрдаги 524-сонли қарорига асосан Академия ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.31/31.12.2020. Ҳ.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 20 кишидан иборат таркиби тасдиқланиб, 4 та юридик ихтисослик (“12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи”, “12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура”, “12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси” ва “12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)”) бўйича диссертацияларни ҳимоя қилишга рухсат берилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Академиядаги “12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)” ихтисослиги бўйича илмий кенгаш мамлакатимизда доимий фаолият кўрсатадиган ягона кенгаш ҳисобланади.

Биргина 2023 йилнинг ўзида Академия илмий кенгашида юқоридаги ихтисосликлар бўйича 20 га яқин диссертация ҳимоя қилинди.

Академияда 16 нафар докторант ва 205 нафар мустақил изланувчи (131 нафари прокуратура ходими) қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан илмий – тадқиқот фаолиятини амалга оширмоқда.

Мустақил изланувчиликка Президент администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия, божхона ва ички ишлар органларидан талабгорлар қабул қилинган.

Қабул комиссиясига Академия ўқитувчиларидан ташқари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Давлат ва ҳуқуқ институти, Жамоат хавфсизлиги университети, Судьялар олий мактаби, Тошкент давлат юридик университети, Юристар малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари жалб этилган.

Айти пайтда Академияда 7 та фан ихтисослиги, хусусан, чет тили бўйича малакавий имтиҳон комиссиялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Амалиётни илм ва инновация уйғунлигида олиб бориш ҳозир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар-



нинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/4-қарори билан Академияга «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари» фани бўйича имтиҳон олиш ҳуқуқи берилган.

Қисқа вақт ичида Академия фаолиятини таъминлаш учун моддий-техник база сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўқув йили бошидан буён Академиянинг барча зарур инфратузилмага эга, замонавий асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган 5 гектар майдондаги янги шаҳарчаси фойдаланишга топширилди.

Хусусан, 4 қаватли ўқув биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2 қаватли ўқув биносида талабалар учун мўлжалланган 10 дан ортиқ аудитория ҳамда компьютер хоналари таъмирдан чиқарилди.

Ушбу бинодаги кримлаборатория, кўздан кечирish ҳаракатлари учун криминалистика хонаси (хонадон полигони), 35 нафар талабага мўлжалланган криминалистик аудитория (портловчи моддалар, тергов портфели ва ҳоказо), гезеллойнали тергов (сўроқ қилиш, таниб олиш) хонаси, киберлаборатория, суд зали ва тиббиёт хонаси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 300 дан ортиқ ўринга мўлжалланган 1-сонли ётоқхона биноси таъмирланиб, мебель ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозланди. Бино-иншоотлар атрофи кўкаламзорлаштирилди.

Профессор-ўқитувчилар таркиби кенгайтирилди ҳамда прокуратура ва тергов фаолиятида катта амалий тажрибага эга мутахассислар билан таъминланди.

Академия негизида прокуратуранинг мавжуд олий ва кўшимча касбий таълим тизимини тўлдирувчи барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тергов ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизими яратилди.

Эндиликда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши:

биринчидан, жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлайди;

иккинчидан, суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга турли тизимга мансуб давлат органлари учун замон талабларига жавоб берадиган суриштирувчи ёки терговчиларни ягона ёндашув асосида тайёрлашни ташкил қилади;

учинчидан, тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг узлуксиз ўқув тизими йўлга қўйилади.

Қолаверса, Академияда “турли тизим – ягона ёндашув” тамойили асосида тергов ва суриштирув органлари учун малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган махсус ўқув тизимининг йўлга қўйилиши тергов фаолиятида “Инсон қадрлари учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқаришга, жиноятларни ўз вақтида фош этишни ташкил этишга, тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлиги ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хусусан, Академиянинг ўқув дастурлари ўқиш муддати мос равишда 3 ва 4 йил бўлган прокуратура соҳасида олий маълумотли (бакалавр) кадрларни мақсадли тайёрлаш, шунингдек, жиноятларни тергов қилиш фаолиятини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу олий таълим дастурлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нуқтаи назаридан энг долзарб ва талабга жавоб беради, бунга айрим йўналишларда бир ўринга 70-80 номзод бўлган танлов ҳам тасдиқлайди.

Академияда олий таълим (бакалаврият, магистратура) ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ҳамда ўқитишнинг алоҳида тартибига доир Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 апрелдаги 143-сонли қарори қабул қилинди ҳамда шу асосда қабул жараёнлари ташкил этилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2023/2024 ўқув йили бўйича бакалавриятга ўқишга қабул “Юриспруденция – “Тергов фаолияти” ва “Юриспруденция – “Прокурорлик фаолияти” йўналишлари бўйича амалга оширилди.

Жумладан, “Тергов фаолияти” йўналишига жами 3 541 нафар, шундан, ички ишлар органларига (ҳарбийлаштирилган) 1 050 нафар ҳамда прокуратура органларига (ҳарбийлаштирилмаган) 2 491 нафар номзод ҳужжат топширган. Якуний тест синовида жами 2 219 нафар номзод қатнашиб, уларнинг 200 нафари давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинди.

“Прокурорлик фаолияти” йўналишида эса таълимнинг кундузги шаклига жами 1 025 нафар номзод Академияни биринчи олий таълим муассасаси сифатида танлаб, тест синовида иштирок этди ва шундан 6 нафари давлат гранти, 45 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди.

Сиртқи йўналиш бўйича 927 нафар номзоддан 22 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди.

Магистратуранинг “Тергов фаолияти” мутахассислигига 157 нафар, “Прокурорлик фаолияти”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассисликлари кундузги ҳамда “Прокурорлик фаолияти” мутахассислиги сиртқи шаклига 442 нафар номзод танловда иштирок этиш истагини билдирди.



Шунингдек, Академияда олий таълимнинг иккинчи босқичи учун магистратуранинг «Прокурорлик фаолияти», «Тергов фаолияти», «Инсон ҳуқуқлари» ва «Коррупцияга қарши кураш» каби машҳур мутахассисликлар бўйича тренинглари ўтказилади. Ҳозирда «Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш»га оид мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурини ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро академик ҳаракатчанликнинг ривожланиши ўқув жараёни сифатини, магистратура дастурларининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради – Академия тингловчилари нуфузли хорижий намунали ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқитилади.

Ўқув жараёнига Бельгия, Германия, Словения, АҚШ, Финляндия, Швейцария, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатлардан етакчи халқаро эксперт ва мутахассислар жалб этилмоқда.

Бу борада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича хорижий ҳамкорлар билан 50 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Словениянинг Любляна университети, Криминология институти ҳамда Марибор университетининг жиноий одил судлов ва хавфсизлик факультетлари билан ҳамкорликка оид ўзаро англашув меморандуми лойиҳалари тайёрланди ва келишилди.

Швеция, Япония, Словения, Беларусь, АҚШ, Қозғистон, Бельгия, Тожикистон, Қирғизистон, Иордания, Швейцария, Франция, Озарбайжон, Нидерландия, Туркия, Россия ва Хитой давлатларига 53 нафар ходим ҳамда тингловчи ва тадқиқотчилар иштирокида 32 та хорижий хизмат сафарлари ташкил этилди.

Академия фаолиятига АҚШ, Буюк Британия, Япония, Россия, Латвия, Руминия, Молдова, Беларусь, Украина, Норвегия, Швеция, Корея давлатларидан 30 нафардан ортиқ юқори малакали хорижий мутахассислар (экспертлар) жалб қилиниб, улар иштирокида 20 дан ортиқ офлайн ва онлайн шаклда семинар, тренинг, ўқув машғулоти ва қўшма илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Бундан ташқари, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда йўл ҳаракатига доир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” қўшма лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шу каби, БМТнинг минтақавий ваколатхонаси кўмагида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида “Фарғона водийсида виктимлаштиришни ўрганиш» тадқиқоти якунига етказилиб, натижалари бўйича ўзбек ва рус тилларида ҳисобот нашр этилди.

Прокуратура органларига биринчи марта хизматга қабул қилинган ходимларни касбий қайта

тайёрлаш дастурининг жорий этилиши муҳим янгилик бўлди. Бу академик тайёргарлик ва амалий фаолият ўртасидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирishга имкон берди, шунингдек, прокуратура ва тергов фаолияти соҳасидаги асосий амалий ва махсус кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Раҳбар кадрларни касбий қайта тайёрлаш янги форматда ташкил этилди. Бундай тингловчиларнинг контингенти уч босқичли танлов натижаларига кўра юқори лавозимларни эгаллаш учун захирада бўлган ходимлар сонидан шакллантирилади. Энг юқори натижаларни кўрсатган номзодлар трениннинг ҳар бир кейинги босқичига қабул қилинади.

Такмиллаштирилган ўқув дастури тингловчиларнинг етакчилик фазилатларини ривожлантиришга, бошқарувнинг замонавий шакллари ва усуллари ўзлаштиришга, таҳлилий ишларни олиб боришга ва касбий маҳоратни ривожлантиришга қаратилган.

Курс доирасида тингловчилар прокуратура ва тергов фаолиятининг энг долзарб муаммолари бўйича амалий тадқиқотлар олиб борадилар.

Курс битирувчиларига қайта тайёрлаш, «Адлия катта маслаҳатчиси» даражали унвонини олиш ва прокуратура тизимида юқори лавозимларга тайинланиш ҳуқуқини берувчи дипломлар берилади.

Академиянинг асосий фаолият йўналишларидан бири кадрлар малакасини ошириш бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг суриштирув-тергов бўлимлари ходимлари, шунингдек, барча даражадаги прокуратура ходимлари учун камида уч йилда бир марта 144 соат давом этадиган малака ошириш тизими жорий этилган бўлиб, бу фаолият давомида ўқитишнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлайди.

Тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими қамровини кенгайтириш ҳамда сифат жиҳатдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада фаолиятнинг долзарб ва аҳамиятли йўналишлари бўйича 36 та қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилиб, жами 7 879 нафар прокуратура ва бошқа давлат органлари ходимлари жалб қилинди.

Жумладан, қисқа муддатли курсларга 7 135 нафар (прокуратура – 4 724, Мажбурий ижро бюроси – 1 843, Департамент – 541, ички ишлар органлари терговчилари – 5, божхона суриштирувчилари – 22 нафар), тўлиқ шаклдаги малака ошириш курсларида жами 744 нафар (прокуратура – 367, Мажбурий ижро бюроси – 150, Департамент – 50, ички ишлар органлари терговчилари – 177 нафар) ходимлар жалб қилинди ҳамда фаолиятга оид долзарб мав-



зулар бўйича ўқитилди. Захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсида 31 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Таълим жараёни амалиётга йўналтирилган, компетенцияга асосланган ва фанлараро ёндашувга асосланган бўлиб, олий таълимнинг илғор технологиялари, таълим ва амалиёт ўртасидаги яқин алоқани таъминлайдиган муаммоли-вазиятли ўқитиш усулларидан фойдаланилади.

Академияда турли симуляция диапазонларида, киберлабораторияларда, суд лабораторияларида ва юридик клиникада амалий машғулотлар ўтказиш учун шароит яратилди.

Рақамли криминология бўйича илмий-услубий марказ мавжуд бўлиб, у замонавий ускуналар, шу жумладан, интернетнинг яширин сегментларини ўрганиш учун зарур дастурий таъминот билан жиҳозланган қоронғу веб-ўқув (Darkweb) лабораториясини ўз ичига олади.

Ўқув жараёнининг бир қисми сифатида рақамли криминологиянинг замонавий усуллари ва воситалари қўлланилади. Марказда турли хил электрон қурилмаларда рақамли далилларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил қилишни осонлаштириш устида ишланмоқда.

Республикада барча даражадаги прокуратура ва тергов органлари ходимларининг касбий кўникма ва маҳоратларини шакллантириш диагностикасини доимий мониторинг қилиш тизими ноёбдир.

Тингловчининг ташхиси асосида унинг профили шакллантирилади, бу электрон “портфолио” тизимида акс этади. Ушбу тизим Бош прокуратура кадрлар хизмати маълумотлар базаси билан бирлаштирилган. Портфолио талаба Академияга кирган пайдан бошлаб шаклланади ва бутун фаолияти давомида фойдаланилади.

Академияда ўқитиш рақамли таълим муҳити имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида амалга оширилади, бу ходимларга аралаш, яъни иш жойида ва ишдан ажралган ҳолда таълим олиш имкониятини беради.

Электрон таълим механизмларини жорий этиш ўзининг дастурий маҳсулоти – ҳозирда 30 дан ортиқ электрон модулни ўз ичига олган «Проакадемия» ахборот-таълим порталини ишлаб чиқиш туфайли мумкин бўлди, бу Академиянинг барча таълим ва бошқарув жараёнларини рақамлаштириш билан тўлиқ қамраб олишга имкон берди.

Муҳим афзалликлардан бири шундаки, ахборот – таълим портали ҳар бир ходимга ўзларининг касбий эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ кредит-мо-

дулли ёндашув асосида индивидуал таълим траекториясини қуришга имкон беради.

Ўз навбатида, тингловчиларнинг таълим эҳтиёжларини қондириш мақсадида Академия масофавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда тингловчилар томонидан ўзлаштирилган энг оммабоп мавзулар бўйича факультатив ўқув маҳсулотларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни олиб боради.

Таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари асосида “Ebsco host”, “Springer Nature” ҳамда “Web of Science (WoS)” халқаро электрон маълумотлар базаларига уланилди.

Худди шундай, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона фонди ва “Электрон таълим” миллий тармоғининг “Unilibrary” тизимидан бевосита фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу йилнинг ўзида 2 та дарслик (“Фуқаролик ҳуқуқи”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш”), 17 та ўқув ва ўқув-услубий қўлланма (9 та ўқув, 6 та ўқув-услубий, 1 та амалий қўлланма ва 1 та тавсия) тайёрланди.

Шунингдек, долзарб мавзулар бўйича 10 та электив курслар яратилиб, тингловчиларга касбий эҳтиёжлари бўйича масофадан мустақил таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди.

Академиянинг расмий веб-сайти халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди. Шунингдек, “Ўзбекистон терговчиси” илмий-амалий юридик журналининг илк сони нашрдан чиқарилди.

Ўтган давр мобайнида Академияда 320 дан ортиқ илмий нашр, шу жумладан, 34 та монография, 21 та дарслик, 107 та илмий ва 161 та илмий ва амалий қўлланма чоп этилди.

Академиянинг «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси» ва «Ўзбекистон терговчиси» журналлари ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий ишларни чоп этиш учун тавсия этилган миллий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ҳозирги кунда Академия суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишлари бўйича инновацион ривожланиш агентлигининг 7 та илмий лойиҳасини амалга оширмоқда.

Йилдан-йилга Академия халқаро илмий майдонда ҳамкорлик ва академик алмашинувни кенгайтирмоқда. Ишончим комилки, ижобий тажриба алмашиш ва илғор хорижий мамлакатлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Акмал САИДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий маркази директори, академик, ю.ф.д., профессор**

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ**

### **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги устувор вазифалар**

Бу йил халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонламоқда. Янги Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларда инсон ҳуқуқлари асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича чақирувини қўллаб-қувватлайди. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади ва “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини таъминлашга қаратилган.

2023 йилнинг апрель ойида илк бор конституциявий референдум ўтказилди, унинг тамал тоши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги тамойилларига содиқлик ўз тасдиғини топган.

Жорий йилнинг июль ойида миллий қонунчилик ва халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ташкил этилган навбатдан ташқари Президент сайлови бўлиб ўтди. Бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ, ИҲТ, МДҲ, ТДТ, Европа парламенти ва бошқа ташкилотларнинг узоқ муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнини кузатди.

Биз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга оширмоқдамиз. Охириги 3 йил ичида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий ва маъмурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2. 2023 йил октябрь ойида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро форум бўлиб ўтди ва Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси қабул қилинди.

3. Ўзбекистонда болалар меҳнатидан бутунлай воз кечилди ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Халқаро ташкилотлар (ХМТ, Жаҳон банки, «Коттон кампейн») пахта кампанияси даврида болалар меҳнатига барҳам берилганини ижобий қайд этди. Янгиланган Конституцияда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш кафолатланган ва бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

4. Мамлакатимизда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси фаол амалга оширилмоқда. 2023 йил март ойида аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи муҳим қонун қабул қилинди. Оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилмоқда, болаларга нисбатан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Ушбу қонун кенг халқаро, жумладан, халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди.

5. Ўзбекистон қийноқ қўлланилишини очиқчасига қоралайди. Мамлакат Президенти ўз нутқларида қийноқларга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги, шунингдек, қийноқлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъкидлади. Қийноқлар ва зўравонликнинг бошқа турлари Конституция ва қонунлар даражасида тақиқланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устав органлари ва шартнома кўмиталари тавсияларига кўра, “Омбудсман плюс” модели асосида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизми яратилди. Болалар омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Бизнес-омбудсманга жазони ижро этиш муассасаларини мониторинг қилиш ваколати ҳам берилган. Фуқаролик кодексига қийноқлардан жабрланганларга етказилган за-



рарни қоплаш тартибини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди, бу эса қийноқлардан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

6. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича Жаҳон дастурида фаол иштирок этмоқда. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастури амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув ва махсус курслари жорий этилмоқда. Имконияти чекланган шахслар, аёллар, болалар ва мигрантлар ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари очилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича қатор қўлланма ва рисоалар доимий равишда чоп этилмоқда, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим электрон платформаси ишга туширилди.

7. Охирги қисқа давр мобайнида биз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда сезиларли ютуқларга эришдик. Шу йилнинг март ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюркнинг мамлакатимизга ташрифи бўлиб ўтди. Биз Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг барча мандат эгаларига мамлакатимизга ташриф буюриш учун доимий таклифнома юбордик. БМТ махсус маърузачиларнинг дин ва эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги, шунингдек, терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича тавсияларини инобатга олганмиз.

8. Мамлакатимизда диний эркинликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, турли конфессиялар ва турли этник гуруҳлар биргаликда яшашининг кўп асрлик тарихий тажрибаси тўпланган. Қадим замонлардан бери юртимиз ҳудудида кўп минг йиллар давомида турли дин ва эътиқодлар ёнма-ён яшаб келган. Диний эркинлик соҳасидаги ислохотлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг узвий қисмидир. Халқимиз референдумда янгиланган Конституцияни қабул қилди. Унда Янги Ўзбекистоннинг “беш таянчи”, яъни Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани (1-модда) таъкидланиб, мамлакат келажаги белгилаб берилди. Ўзбекистон Конституциясида ҳар кимнинг виждон эркинлиги кафолатланган, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (35-модда).

9. Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири – бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, жамиятда миллатлараро, конфессиялара-

ро ва фуқаролараро тотувликни мустаҳкамлашдир. Миллатлараро тотувлик “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилади, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда нашр этилади. Мамлакатдаги умумтаълим мактабларининг қарийб 20 фоизида таълим 7 тилда олиб борилади.

10. Ўзбекистон 2019 йилдан буён қуролли тўқнашув зоналаридан ватандошларни қайтариш бўйича бешта “Меҳр” гуманитар амалиётини амалга оширди. Натижада Сурия, Ироқ ва Афғонистондан 531 киши, асосан аёллар (121 нафар) ва болалар (379 нафар) ватанига қайтарилди. 2023 йилнинг июнь ойида БМТ бош қароргоҳида халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга қайтиб, янги ҳаёт бошлаган репатриантларнинг бу ҳақдаги ҳикояларини бевоcита эшитиш имконига эга бўлди. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро шериклар билан ҳамкорлик тамойилларига асосланган ватандошларни репатриация қилиш бўйича Ўзбекистон модели дунё миқёсида репатриация қилиш, боланинг энг мақбул манфаатларини таъминлаш ва можаро ҳудудларидан қайтган аёлларни тўлиқ реинтеграция қилиш бўйича илғор тажриба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Инсон ҳуқуқлари стандартлари ва прокуратура**

Одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги аҳамияти ниҳоятда улкандир. XX асрнинг ўрталарига қадар ҳам одил судловни амалга ошириш масалалари фақатгина давлатларнинг ички ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиб келинарди. Ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ нормаларидан қатъи назар, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий ҳолатини, процессуал қонун ҳужжатларини миллий доирада мустаҳкамлаб келган. Бинобарин, бу иш фақатгина миллий қонунчилик ваколатига тегишли, деб ҳисобланган.

Бугунги кунга келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинадиган мустақил соҳага айланди. Ҳозирги кунда одил судловни амалга ошириш давлатларнинг миллий қонунлари билан ҳам, халқаро ва минтақавий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинмоқда. Шу аснода инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

XXI асрда халқаро муносабатларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари



турибди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига дахлдор халқаро стандартлар ўрни ошиб бормоқда. Одил суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашнинг муҳим механизми сифатида халқаро стандартлар асосида самарали фаолият кўрсатади. Одил судловга, терговга ва суриштирувга бўлган ҳуқуқ халқаро умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига киради. Агар одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар самарали фаолият кўрсата олмаса, инсоннинг бирор-бир ҳуқуқини ҳимоя қилиш мумкин бўлмай қолади.

Одил судловни амалга оширишга дахлдор асосий принциплар ва стандартлар инсон ҳуқуқларига доир ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид бир қанча халқаро шартномаларда мустаҳкамланган. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноят иши кўриб чиқиладиганда тўлиқ тенглик асосида унга таъминланиши керак бўлган қуйидаги кафолатлар санаб ўтилган:

а) унга қўйилган айблов характери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиши;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиши;

с) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;

д) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзини ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериши;

е) унга қарши кўрсатмалар бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлиши;

ф) агар судда қўлланиладиган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, бепул таржимон кўмагидан фойдаланиши;

г) ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина демократик давлатларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий ҳуқуқий ти-

зимнинг таркибий қисми сифатида тан олиш ва унинг қоидалари устуворлигини эътироф этиш давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишининг энг муҳим кафолатларидан бири сифатида конституциявий мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади, деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларда ўз ифодасини топган халқаро стандартлар ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларидан бири ҳисобланади, бу стандартлар қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим мезонларидир. Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади.

Одил судлов, тергов ва суриштирувга бўлган ҳуқуқни таъминлаш давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Давлат миллий хусусият, менталитет, манфаатни рўқач қилиб ёки бу ҳуқуқларни таъминлашнинг миллий қонунчилик асослари, тегишли ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслигини асос қилиб одил судлов, тергов ва суриштирувга бўлган ҳуқуққа риоя қилмаслиги ёки уни таъминламаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси учинчи қисми билан ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Инсоннинг судга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, шу жумладан, прокуратурага мурожаат қилиш ҳуқуқи, одил судлов, тергов ва суриштирувдан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қи-



лиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин. Лекин инсоннинг одил судлов, тергов ва суриштирувга бўлган ҳуқуқи ҳеч қайси бир вазиятда конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадларига эришишга тўсқинлик қила олмайди. Одил суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳимояси ўзининг бирон-бир кўринишида кўрсатилган шахс ва жамоат манфаатларига таҳдид сола олмайди, аксинча, уларни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шунга мувофиқ, одил суд, адолатли тергов, суриштирувда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлардан четга чиқишни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Шунингдек, Конституциянинг 55-моддаси тўртинчи қисмида “ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли” эканлиги тўғридан-тўғри белгиланган. Бу билан агар инсонда одил суд, тергов ва суриштирувга бўлган ҳуқуқларининг миллий суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан самарали таъминлангани борасида норозилик бўлса, бундай вазиятда одил судлов, тергов ва суриштирув соҳасидаги халқаро стандартларнинг бевосита халқаро органлар томонидан қўлланилишига кафолат берилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судлов, тергов ва суриштирувнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларига мувофиқ бўлишининг мажбурийлиги мустаҳкамланган. Бошқа томондан, инсоннинг одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фойдаланиш ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчилик даражасида мустаҳкамланиши одил суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий механизмларини яратади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида туб янгиланиш ислохотлари амалга оширилмоқда. Президентимиз айтганидек, “Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яра-

тиб беришдан иборат бўлган давлатдир”.

Бу ислохотларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура органлари олдига ҳам қатор вазифалар қўйилди. Бош прокуратура Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига доир БМТ шартномавий қўмиталари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари ва Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини тайёрлашда ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил қилинди.

Олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитишнинг вазифалари юклатилган Академиянинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

таълим олувчиларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилиш маданияти билан уйғунлашган юксак маънавий, психологик, таҳлилий ва касбий сифатларни ривожлантиришнинг самарали тизимини жорий этган ҳолда жиноятларни тергов қилиш соҳасида мутахассисларни чуқурлаштирилган мақсадли базавий тайёрлаш;

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, қонунийликни таъминлаш юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг яхлит тизимини ташкил этиш;

юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг энг долзарб масалалари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни тизимли асосда, шу жумладан, миллий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда амалга ошириш;

суд-ҳуқуқ соҳасида қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор педагогик тажриба алмашиш борасида узлуксиз халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, ўқув жараёнига хорижий мамлакатлар етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг малакали мутахассисларини жалб қилиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги малакасини ошириш курслари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурига асосан



барча вилоятларда ўтказилаётган “Қийноққа солишга қарши кураш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” махсус ўқув курсларида 400 нафардан ортиқ ходим ўқитилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси ҳамда Тошкент давлат юридик университетлари ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича консорциум тузилди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб академияда “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги магистр кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва ака-

демия ҳамкорлигида “Мигрантлар ҳуқуқи” бўйича ўқув-методик материаллар ва дарслик чоп этилди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва манфатлари ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган ишлорларнинг фаол иштирокчиси сифатида вазифа ва масъулияти кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида прокуратура марказий ўринга эга бўлиб келмоқда. Шу муносабат билан прокуратура органларининг ҳуқуқни тиклашдаги фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим вазифалардандир.

#



Акмалхўжа МАВЛОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Божхона қўмитаси Раиси

## КОРРУПЦИЯСИЗ БОЖХОНА ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ РАҚАМЛИ КОМПОНЕНТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада ташқи савдо операцияларини назорат қилиш масаласи божхона хизматининг кадрлар салоҳиятини оптимал бошқариш масаласи билан уйғун ҳолда тадқиқ этилган. Коррупцион хавф зоналарини мониторинг қилиш жараёни моделлаштирилган ва ушбу муаммони ечишда рақамлаштириш асосий альтернатива эканлиги асосланган. Божхона соҳасида коррупцион хавфларни бошқаришнинг триггер модели ишлаб чиқилган. “Коррупцион хавфларни бошқариш” тизимининг асосий вазифалари, бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги ва функционал модели баён этилган. Божхона атрофидаги инфратузилманинг коррупцион хавф зоналари тадқиқоти натижалари келтирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается процесс управления внешнеторговыми операциями в сочетании с управлением кадровым потенциалом таможенной службы. Смоделирован процесс контроля зон коррупционного риска и обоснована безальтернативность цифровизации этого процесса. Разработана триггерная модель управления коррупционными рисками в таможенной сфере. Изложены основные задачи и функциональная модель взаимодействия системы «Управление коррупционными рисками» с другими информационными системами таможенной службы Республики Узбекистан. Представлены результаты исследования зон коррупционного риска вблизи таможенной инфраструктуры.

**ANNOTATION.** The article examines the process of managing foreign trade operations in combination with managing the human resources potential of the customs service. The process of controlling corruption risk zones is modeled and the lack of alternatives to digitalization of this process is substantiated. A trigger model for managing corruption risks in the customs sector has been developed. The main objectives and functional model of interaction of the “Corruption Risk Management” system with other information systems of the customs service of the Republic of Uzbekistan are outlined. The results of a study of corruption risk zones near customs infrastructure are presented.

**Калит сўзлар:** кадрлар салоҳиятини бошқариш, ташқи савдо операциялари, коррупцион хавфлар, “Коррупцион хавфларни бошқариш” тизими, коррупцион хавф зоналари модели.

**Ключевые слова:** управление персоналом, внешнеторговые операции, коррупционные риски, система «Управление коррупционными рисками», моделирование зон коррупционного риска.

**Key words:** personnel management, foreign trade operations, corruption risks, “Corruption risk management” system, modeling of corruption risk zones.

### Кириш

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 2017 йил 3 январда қабул қилинган.<sup>1</sup> Ўшандан буён коррупцияга қарши кураш масаласи республика Президентининг алоҳида назоратида бўлиб келмоқда.

1. Прокуратура ижро ҳокимияти тизимида фаолият кўрсатади ва ижро ҳокимияти олдида турган вазифаларни таъминлашга хизмат қилади (АҚШ, Польша, Япония ва ҳ.к.). Уларда прокуратуранинг асосий функцияси жинойи таъқибни амалга оши-



риш ҳисобланади.

2. Прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни парламентга бўйсунди ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

3. Прокуратура судлар қошида ташкил этилган бўлиб, одил судловни амалга оширишга кўмаклашади (Нидерландия, Испания, Италия, Франция ва ҳ.к.).

4. Прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан мустақил равишда фаолият юритади ҳамда қонунийликни мустақамлашга хизмат қилади (собик Иттифоқ давлатлари, Хитой ва ҳ.к.).

5. Прокуратура алоҳида институт сифатида ажратилмаган, унинг функциясини бошқа органлар бажаради (Австралия, Ямайка, Буюк Британия)<sup>9</sup>.

Мамлакатимизда прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи конституциявий орган ҳисобланади. Айрим ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам прокуратура органлари конституциявий орган этиб белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Испания прокуратураси ушбу давлат Конституцияси 124-моддасига мувофиқ, конституциявий аҳамиятга эга орган. Конституциянинг ушбу моддасига назар ташласак, қонунийлик ва холислик принципларига мувофиқ прокуратура ўз функцияларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва давлат ҳуқуқий тизимида белгиланган соҳаларда қонунийликни таъминлайди<sup>10</sup>.

Австралия Бош прокуратураси мазкур мамлакат ҳукуматининг адлия департаменти бўлиб, Австралияда қонун устуворлиги ва адлия тизимини сақлаш ва такомиллаштириш бўйича ҳукумат сиёсатини амалга оширади<sup>11</sup>.

Хитой Халқ Республикаси Конституцияси 131-моддасига мувофиқ, Хитой Халқ прокуратураси қонунлар ижроси устидан назоратни бевосита олиб боради. Хитой прокуратурасининг ички ишчи аппарати бевосита қонунлар ижроси устидан назорат олиб борувчи оператив тузилма ҳисобланади. Унда хўжалик ишлари бўйича прокуратура, қонун ва интизом ҳолатлари бўйича прокуратура, фуқаролик ишлари бўйича прокуратура каби ихтисослашган тузилмалар мавжуд<sup>12</sup>.

Россия Федерацияси прокуратурасида федерал қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси фаолият кўрсатади. Унинг таркибига

воёга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси; ташкилий-методик бўлим; ҳужжатли таъминлаш бўлимидан ташқари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат бошқармаси; давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш устидан назорат бошқармаси; тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси; иқтисодиёт соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси киради. Алоҳида транспортда ва божхона соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси фаолият кўрсатади<sup>13</sup>.

Аксарият хорижий мамлакатларда эса, прокуратура органлари конституциявий мақомга эга эмас. Яъни, давлат конституциясида унга алоҳида модда ажратилмаган.

Масалан, Польша прокуратураси ушбу давлатда ижро ҳокимияти таркибида бўлиб, Адлия вазири бир вақтнинг ўзида Бош прокурор ҳисобланади<sup>14</sup>.

Прокуратура фаолияти 2016 йил 28 январда 177-сон билан қабул қилинган “Прокуратура ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Корея Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, Корея прокурорлари қонунлар (қарорлар, низомлар ёки қоидалар)нинг бошқа давлат органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Прокуратура органлари адлия органлари таркибида бўлиб, жиноят ишларини юритишни амалга оширади<sup>15</sup>.

Умуман олганда, аксарият ривожланган мамлакатларда прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон ўзининг Конституцияси асосида прокуратурага мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи конституциявий давлат назорат органи мақомини берди.

Қонунларнинг мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хилда амалга оширилиши давлат назорати орқали таъминланиши барчамизга маълум.

Шундан келиб чиқиб, профессор Б.Пўлатов “Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан на-

9 Никитин Е.Л. Кулик В.Н. Модели и стандарты прокурорской деятельности в современных условиях. 2018 г. Санкт-Петербург.

10 <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES.pdf>

11 [https://www.aph.gov.au/about\\_parliament/senate/powers\\_practice\\_n\\_procedures/constitution](https://www.aph.gov.au/about_parliament/senate/powers_practice_n_procedures/constitution)

12 <https://www.refworld.org/pdfid/4c31ea082.pdf>

13 Бибило Б.Н. Судебные системы зарубежных стран. 2012 г. Минск.

14 Щербя С.П. Прокуратура в странах СНГ: правовой статус, функции, полномочия. 2007 г.

15 [https://unafei.or.jp/publications/pdf/RS\\_No53/No53\\_13VE\\_Soo.pdf](https://unafei.or.jp/publications/pdf/RS_No53/No53_13VE_Soo.pdf)



зоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда<sup>16</sup>, деб таъкидлайди.

Профессор М.Рустамбаевнинг фикрича, “Прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир<sup>17</sup>.”

Профессор Ф.Рахимов нуқтаи назарича, “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўриниши<sup>18</sup>.”

Ҳуқуқшунос олим О.Мадалиев эса прокурор назорати тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Прокурор назорати Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг махсус фаолияти тушунилади<sup>19</sup>.”

Хорижлик олимлардан А.Шмелевнинг фикрича, “қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура органларининг муҳим функцияларидан биридир<sup>20</sup>.”

Мазкур тушунча мазмунини кенгроқ таҳлил этган олим Н.Субанова “Прокурор назоратининг бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган турли ижтимоий назорат шакллари билан фарқи унинг мақсадли йўналганлиги ва прокурорда қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ҳуқуқий воситалар мавжудлиги билан белгиланади. Агар давлат контроли (назорати) органлари учун қонунлар ижроси устидан контроль

кўплаб вазифаларни ечиш бўйича фаолият шакллари билан биттаси бўлса, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура учун фаолиятнинг асосий мазмуни саналади<sup>21</sup>, деб ёзади.

Миллий қонунчиликка мувофиқ, прокурор назорати – қонун ҳужжатларига биноан прокуратура органларининг қонунларнинг барча давлат органлари томонидан бир хилда ижро этилиши устидан прокурорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги махсус фаолияти тушунилади<sup>22</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида фикримизча, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Прокурор назорати – прокуратура органларининг қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда, уларга қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат ҳокимияти тармоқларидан мустақил равишда амалга ошириладиган, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қонун бузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган махсус давлат назорати фаолиятидир.

Бунда прокурор назорати объектлари бўлиб, прокурор назорати амалга ошириладиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга ошириладиган органлар, ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жиноий жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этишга масъул идора ва муассасалар, ҳарбий қисм ва тузилмалар, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳисобланади.

Прокурор назорати тадбирлари прокурор мониторинги, қонунлар ижросини текшириш, ахбо-

16 Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми. // «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси», 2017 й., №4 (32). – Б. 27-28.

17 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005 й. – Б. 8-12.

18 Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами. / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008 й. – Б. 87-94.

19 Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009 й. 424-бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ. (Procurator control. Textbook. General section. -T.: TSU Publishing House, 2009. -424 pages. In the title: Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, TSUL.)

20 Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // «Вестник Саратовской государственной юридической академии», 2017 г., №6 (119). – С. 234.

21 Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: Дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014 г. – С. 140.

22 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда



рот-таҳлил фаолияти, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқишдан иборат шаклларда амалга оширилади.

Ушбу фаолиятни прокуратура органларидан бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат бирлашмалари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, мансабдор шахслар ёки жисмоний шахслар амалга ошира олмайди.

Прокурор назоратининг мустақиллиги ҳар қандай давлат идораси ёки мансабдор шахси, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларидан холи тарзда, фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда, ваколатлар доирасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига назорат объектларида риоя қилиниши устидан назоратнинг амалга оширилишида ҳам ифодаланади.

Ўтган даврда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди ва бу жараён ҳозирда ҳам фаол давом эттирилмоқда.

Аввало, илгари ёпиқ идора бўлган прокуратура фаолиятига тўла очиқлик берилди, халққа ҳақиқий маънода ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилди.

Қайд этиш лозимки, прокуратура органларида қонунийликка қатъий амал қилиниши ҳар жиҳатдан улар фаолиятининг шаффофлиги ва жамият олдидаги ҳисобдорлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда прокуратура органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш қаратилган чоралар амалга оширилди.

Биринчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси Сенати олдида ҳисобдорлиги белгиланган. Бош прокурорнинг ҳам Президент, ҳам парламент юқори палатасига ҳисобдорлиги прокуратура органларининг масъулиятини оширади.

Иккинчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳар йили тегишinchа Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиш мажбурияти мавжуд.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига тегишли прокурорларнинг ҳисоботларини эшитиш ваколати берилган.

Бу эса, халқ вакилларига прокуратура фаолиятдан доимий бохабар бўлиб, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга имкон беради.

Ҳозирда прокурорлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз фаолияти ҳақида ҳар чоракда ҳисобот бермоқда.

Муқаддам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳар йили бир марта ёзма ахборот тақдим этиш билан чекланган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига эса деярли ҳисобот берилмаган.

Учинчидан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси талабига кўра, Бош прокуратурада Ахборот хизмати фаолияти ташкил этилиб, кенг жамоатчилик, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан яқиндан мулоқот йўлга қўйилди.

2018 йилнинг июнь ойида Бош прокуратура расмий веб-сайтининг янги версияси ишга туширилиши, телеграм ва Facebook интернет ижтимоий тармоқларида Бош прокуратуранинг расмий каналлари юритилиши идоранинг очиқлик сиёсатидан илдам одимлаётганини кўрсатади.

Эндиликда прокуратура идоралари оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет тармоғи орқали ҳар куни тезкор ахборот ва маълумотларни бериб бормоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида доимий равишда ишловчи “1007” қисқа рақам орқали мурожаатларни қабул қилиш “Call-center” маркази ташкил этилди. Бу эса, прокуратуранинг аҳоли билан тўғридан-тўғри ва тезкор мулоқот ўрнатишига кенг шароит яратди.

Энг муҳими, прокуратура фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, бу идора том маънода инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимояловчи органга, чинакам очиқ ва шаффоф прокуратурага айлантирилди.

Прокуратуранинг ҳақиқатда халққа хизмат қилувчи тузилмага айлантирилаётгани эса, давлатчилик тарихидаги мисли кўрилмаган воқеликдир.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилган салмоқли ишларни эътироф этган ҳолда ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси асосида прокуратура органларининг қонундаги мақомига аниқлик киритиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

Биринчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурор назорати тушунчасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатларини белгилаш ва давлат назоратининг бошқа шакллари билан фарқлаш имконини беради.

Прокурор назорати ва бошқарув (контроль) органлари томонидан амалга ошириладиган давлат назоратини бир-биридан ажратиш амалиётда



прокуратура органларининг давлат бошқаруви органлари вазифасини такрорлашига йўл қўймаслик, маъмурий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Иккинчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурор назорати объектлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Зеро, қонунлар ижросини таъминлашнинг шакллари турлича бўлиб, қонунчиликда турли давлат органларига жамият ҳаётининг муайян соҳаларида қонунлар ижроси устидан назорат функциялари юклатилган. Прокуратура органлари эса, қонунларни бевосита ижро этишга ва соҳавий назоратга масъул давлат тузилмалари фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан комплекс назоратни амалга оширишининг белгилаб қўйилиши ижро ва назорат самарадорлигининг тизимли йўлга қўйилишига имкон беради.

Хусусан, прокурор назорати амалга оширилади-ган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар, ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жиноий жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этишга масъул идора ва муассасалар, ҳарбий қисм ва тузилмалар, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларни прокурор назорати объекти сифатида қонунчиликда белгилаш таклиф этилади.

Учинчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурор назоратини амалга ошириш шакллари-ни ҳам аниқ белгилаб қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурор назоратини амалга ошириш шакллари аниқ белгиланмаган. Қонуннинг 21-моддаси қонунлар ижросини текшириш назорат шакли сифатида кўрсатилган бўлса-да, амалиётда бошқа назорат шаклларида ҳам кенг фойдаланилади. Лекин бу шаклларнинг қонунда аниқ акс эттирилмаганлиги турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади.

Шу боис қонунда прокурор назорати тадбирларини прокурор мониторинги, қонунлар ижросини текшириш, ахборот-таҳлил фаолияти, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқишдан иборат шаклларда амалга оширилишини белгилаб қўйиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам прокуратура органлари давлат ривожига жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Шунинг учун бугунги конституциявий ислохотлар жадаллашган глобаллашув даврида ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг амалга оширилишида уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш замон талаби эканлигини барчамиз гувоҳи бўлмоқдамиз.

Зеро, инсон қадрини биз учун энг муҳим мезон эканидан келиб чиқиб, прокуратура органлари фаолиятини ҳар томонлама ислоҳ қилиб бориш бугунги кун талаби ҳисобланади.

#



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессори,  
юридик фанлари доктори, профессор

## АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯДА ИФОДАСИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган адолатли суд муҳокамасига оид кафолатларнинг янгиланган миллий Конституциядаги ифодаси, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье освещены вопросы имплементированности гарантии справедливого судебного разбирательства предусмотренных «В всеобщей Декларации прав человека», «Международном Пакте о гражданских и политических правах» и «Европейской Конвенции о защите прав и свобод человека» и в других международных документах, их отражение в обновленной национальной Конституции, а также совершенствование законодательства.

**ANNOTATION.** The article addresses the issues of implementation of the guarantee of a fair trial provided for in the “Universal Declaration of Human Rights”, the “International Covenant on Civil and Political Rights” and the “European Convention for the Protection of Human Rights and Freedoms” and in other international documents, their reflection in the updated national Constitution, as well as improving legislation.

**Калит сўзлар:** адолатли суд муҳокамаси, умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг янгиланган миллий Конституцияда ифодаси, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.

**Ключевые слова:** гарантии справедливого судебного разбирательства, общепризнанные международные правовые документы, отражение их в национальной Конституции, вопросы совершенствования законодательства.

**Key words:** guarantees of a fair trial, generally recognized international legal documents, their reflection in the national Constitution, issues of improving legislation.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади<sup>1</sup>, деб белгиланган.

Буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч бир нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши

керак<sup>2</sup>.

Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ халқаро-ҳуқуқий кафолатларда мукамал белгиланган, жумладан, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида баён этилган бўлиб, унга мувофиқ: “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асослантирилганлигини аниқлаш учун, тўла тенглик асосида унинг иши ошкора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”<sup>3</sup>. Бу ҳуқуқ 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида<sup>4</sup> ва Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддасида<sup>5</sup> янада кенг-

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Иккинчи нашр. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023 йил, 3-бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, 19(7521)-сон.

3 Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью Составил Ю.С. Пулатов. Т., 1995, С. 12

4 Шу ерда, 12-б.

5 Права человека и судопроизводство. Собрание международных документов. Варшава, 1994, С. 235 – 255.



роқ ўз ифодасини топган.

Қайд қилинган ҳужжатларда барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенглиги, ҳар ким ўзига қўйилган жиноий айбловнинг кўрилишида ёки бирор-бир фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора муҳокама этилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Шундай қилиб, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ўз ичига қўйидаги элементларни олади: а) бирор-бир фуқаролик ҳуқуқи бузилганда ёки фуқаро жиноят содир этишда айбланганда одил судлов бўлишининг таъминланиши; б) судьялар мустақиллиги таъминланган ҳолда ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига асосланган ривожланган суд тизимининг мавжудлиги. Ишнинг қонун асосида ташкил этилган судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ деганда, иш қайси судга тегишли бўлса, ўша судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ тушунилади. Баъзан бундай ҳуқуқ «ўз судьясига бўлган ҳуқуқ» деб ҳам аталади. Қонунда белгиланмаган судларни ташкил этиш тақиқланади; в) адолат талабларига жавоб берадиган суд процедурасининг қарор топиши.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиб, кафолатлаб қўйган. Бу Конституциянинг 20-21-моддаларида ўз ифодасини топган бўлиб, уларда «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас»лиги белгиланган.

Конституциянинг 130-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади» дейилади. Бошқача қилиб айтганда, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасига мувофиқ, «судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсундилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас<sup>6</sup>.

Шуни эътиборга олиш лозимки, юқорида қайд қилинган пактнинг 14-моддаси 1-қисми ва декларациянинг 6-моддаси одил судловнинг ҳар қандай турига (фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий, конституциявий) тааллуқлидир. Уларга мувофиқ одил судлов қўйидаги талаблар асосида амалга оширилиши керак: а) инсоннинг қонун ва суд олдида тўла тенглиги асосида; б) ошкора руҳда, қонунда белгиланган ҳолатлар мустасно этилган ҳолда; в) холисона; г) белгиланган процессуал тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда.

Одил судловнинг адолатлилиқ шартлари Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» (19-модда); «Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади» (137-модда). «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилиқ аҳоли сўзлашадиган тилда ёхуд қонунга мувофиқ бошқа тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади» (139-модда).

Юқорида таъкидланганидек, жиноят ишлари бў-

6 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Иккинчи нашр. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish", 2023 йил, 136-м.

йича одил судлов соҳаси ўз таъсир кучи билан инсон ҳуқуқларига юқори даражада хавф туғдириши ва унинг учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимоли туғилади. Шу боис, халқаро меъёрлар одил судловнинг бу тури учун бир қатор қўшимча кафолатларни назарда тутди.

Гап аввало айбсизлик презумпцияси ҳақида бормоқда. У айтиб ўтилган декларациянинг 2-моддасида, пактнинг 14-моддаси 2-қисми ва конвенциянинг 6-моддаси 2-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган<sup>7</sup>. пакт ва конвенция айбсизлик презумпциясининг мазмун-моҳиятини бир хил таърифлаган, яъни жиноят содир этишда айбланувчи ҳар бир инсон айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам айбсизлик презумпцияси мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унинг таърифи 28-моддада қуйидагича тарзда берилган: «Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда, ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гуманитар қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гуман қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин».

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (26-модда). Таърифлардаги фарқлар шундан иборатки, умумэтироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ айбсизлик презумпцияси фақат суд ҳукми билан эътироф этилиши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган асосларга кўра жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институти мавжуд. Унга кўра, шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатишга рухсат берилади. Бироқ айбланувчи бунга қарши эътироз билдирмаган тақдирдагина шундай қарор қақиришга йўл қўйилади. Акс ҳолда иш судга оширилиши шарт, суд эса барча процессуал кафолатларга риоя қилган ҳолда ҳукмда фуқаронинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал этади. Келажакда Жиноят-процессуал ко-

декснинг шу моддасида қуйидаги нормаларнинг, яъни иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқига эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш рад қилинган, руҳий ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишда ортда қолганлиги оқибатида содир этган ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ англай олмаган ва ўзини бошқара олмаган, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш учун ушлаб берган давлат розилик бермаган ҳолларда, ушбу айбловлар бўйича иш юритиш тугатилиши лозимлиги каби нормаларнинг ўрин олиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу тариқа халқаро меъёрлар ва уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ёндашганда, ишни судда кўрмасдан туриб айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиб-қоидалари айбсизлик презумпциясига зид эмас. Айбланувчида айбсизлик презумпциясидан келиб чиқувчи ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятининг йўқлиги ва бартараф этилмаган шубҳа-гумонларнинг айбланувчи фойдасига талқин этилиши каби юридик оқибатлар халқаро меъёрларда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (28-моддаси) ҳам бир хилда таърифланган.

Халқаро меъёрларда айбсизлик презумпциясидан ташқари жиноят ишлари бўйича одил судловнинг минимал кафолатлари ҳам назарда тутилган. Унда минимал кафолатларга амал қилиш – бу ҳали судловнинг тўлалигича адолатли бўлишидан далолат эмаслиги таъкидланади. Булар бор-йўғи минимал кафолатлар бўлиб, улар ҳеч бир шароитда миллий қонунчилик ва суд амалиёти томонидан рад этилмаслиги лозим.

Минимал кафолатлар пактнинг 14-моддаси 3-қисмида ва конвенциянинг 6-моддаси 3-қисмида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс энг камида қуйидаги ҳуқуқларга эгалиги, яъни: а) унга қўйилган айбнинг мазмуни ва асослари ҳақида, у тушунадиган тилда шошилиш тартибда ва батафсил хабардор бўлиш; б) ўзини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан бирга бўлиш; в) асосланмаган сансоларликларсиз судланиш; г) судда шахсан иштирок этиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи ёрдамида ҳимоя қилиш. Агар айбланувчи ўзига ҳимоячи танламаган бўлса, у бундай ҳуқуққа эга эканлигини билиши шарт. Агар ҳимоячига тўлаш учун унда маблағ бўлмаса, одил судлов манфаатлари талаб этган ҳар бир ҳолатда давлат

7 Права человека и судопроизводство. Собрание Международных документов. Варшава, 1994. С. 5 – 10, 235 – 255.



маблағи ҳисобига ҳимоячи билан таъминланиши шарт; д) унга қарши кўрсатма берган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ушбу гувоҳларнинг сўроқ қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, унга қарши кўрсатма берган гувоҳлар учун белгиланган шартларда унинг гувоҳларини сўроқ қилишга бўлган ҳуқуққа эга бўлиш; е) судда фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлай олмаса, таржимон ёрдамидан бепул фойдаланиш; ж) ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур этилмаслик қайд қилинган.

Одил судловнинг минимал кафолатлари таҳлили, уларнинг айримларини истисно этганда, қолган барчаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган лигидан далолат беради. Шу билан бирга, санаб ўтилган минимал кафолатлар ичидан айримлари янги таҳрирда тайёрланаётган Жиноят-процессуал кодексида инobatга олиниб, суд амалиётида қўлланиши мумкин. Бу масалан, айбланувчининг асосланмаган сансоларликларсиз судланиш ёки Европа конвенциясида айтилганидек, «оқилона муддатда» судланиш ҳуқуқига тааллуқлидир. Аввало, айбланувчининг бундай ҳуқуқини қонунда қайд этиш, шунингдек, айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, ишни якуний ҳал қилиш муддати янада қисқа бўлиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича одил судловга қўйиладиган минимал талаблардан ташқари халқаро меъёрлар яна: а) янада қаттиқроқ жазо қонунининг орқага қайтиш кучини тақиқлашни (Бу қоида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида мустаҳкамланган); б) қонунга хилоф равишда суд қилиш ва ноқонуний қамоққа олиш орқали фуқарога етказилган зарарни ундиришни (Бундай ҳуқуқ ва уни амалга ошириш тартиби ЖПКнинг 301-313-моддаларида назарда тутилган бўлиб, бу моддалар амалда ишламоқда ва қўлланилмоқда); в) жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлигини (Бундай кўмак бериш биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августдаги қарорида мустаҳкамланган эди. Унда ҳар бир инсон бузилган ҳуқуқининг тикланишини ва ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги таъкидланади); г) ишнинг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўрилиши ҳуқуқини; д) бузилган ҳуқуқларни самарали тиклашга бўлган ҳуқуқни; е) битта жиноят учун такроран судланиш ёки жазоланишни ман этишни назарда тутати.

Жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлиги хусусида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки,

БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари декларацияси қабул қилинди. Декларацияда, хусусан, жиноят қурбонларига одил судловга изн беришни ва адолатли муомалани таъминлаш зарурлиги таъкидланади. Миллий қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўзларига етказилган зарар учун тезда товон олиш ҳуқуқига эга, яъни моддий зарар жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275, 285, 286, 290, 291, 293-моддаларида белгиланган тартибда ундириб берилади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги кафолатланди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда жабрланувчига берилган ҳуқуқлар жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларация талабларига мос келишига амин бўлаемиз. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланувчиларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатланди.

Жиноят қурбонларига нисбатан адолатли одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларациянинг 7-моддаси эътиборга лойиқдир. Бу моддада зарур ва имкон бўлганда жабрланувчи билан айбланувчининг ярашишига кўмаклашиш ҳамда жиноят қурбонига етказилган зарарнинг ундирилишини таъминлаш тавсия қилинади. Бу тавсия Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда жабрланувчининг айбланувчи билан ярашиши муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилишнинг янгича шаклини белгилаш учун асос бўлган. Унда жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этиш жавобгарликдан озод қилиш (ЖКнинг 66-1-моддаси) ёки айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг жорий қилинишида ҳам қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан қўлланилиши асосий шартларидан бири сифатида кўрсатилган<sup>8</sup>.

Халқаро нормалар яна қуйидаги ҳуқуқларни ҳам назарда тутати: а) ҳар бир маҳкумнинг ўз ишининг

8 “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-675-сонли қонун.

юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқи; б) ҳар бир инсоннинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашга бўлган ҳуқуқи; в) битта жиноят учун такроран суд қилишни тақиқлаш. Бу ҳуқуқлар янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўрин эгаллаган бўлиб, унга кўра, жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши, ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши, ҳар бир шахс ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги ва ҳеч ким айна бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас-

лиги<sup>9</sup> кафолатланди.

Фикримизча, мазкур халқаро-ҳуқуқий андозаларни, шунингдек, конституциявий кафолатларни дастлабки терговда ҳам, судда ҳам амалга ошириш ва бажариш, уларга амал қилиш судда ишларни кўришни эркинлаштириш асосларини бевосита мустаҳкамлайди ва суднинг жиноят ишини ҳал этиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосли ҳукм чиқариш функциясини амалга оширишга имкон яратувчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади ва бу янгиликларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши тергов органлари фаолиятида ва одил судловни амалга оширишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

#

9 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Иккинчи нашр. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish", 2023 йил, 29, 30-м.м.





## КОНСТИТУЦИЯМИЗ – МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мустақил давлатчиликнинг рамзи ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, давлат ва жамият бошқарувининг ҳуқуқий асосидир. Шу тўғрисида Ўзбекистон мамлаката мустақилликка эришмасдан олдин давлатнинг янги Конституциясини қабул қилиш йўлини тутганлигини тарихдан биламиз. Қарийб икки йил мобайнида қизғин муҳокамалар натижаси ва халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Конституция Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳуқуқий мустақамлади ва унинг давлат мақомини белгилади. Давлатнинг ҳуқуқий барқарорлиги, халқаро ҳамжамиятларнинг муносабати ва уларнинг ривожланиши, тараққиёти, Конституцияда умумэтироф этилган нормаларнинг белгилангани ва уларни ҳаётга татбиқ этиш билан мустақамланиб борди. Ўзбекистон халқи 1992 йил 8 декабрда ўз Конституциясини қабул қилиши баробарида дунё ҳамжамиятига унда ифодаланган нормалар орқали умуминсоний қадриятларни тан олиш ва қўллаш субъекти эканини изҳор этди ва унга содиқ эканлигини намоён қилди.

Бугунги кунда мамлакат эркин жамият тузиш йўлини танлагани, қонунларнинг такомиллашуви, ривожланиши, халқнинг ҳуқуқий онги ва аҳоли яшаш шароитининг юксалиши, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ошиши, мамлакат бошқарувининг халқаро андозаларга мослашуви Конституциямизга кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Дарҳақиқат, умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида аввало инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлат олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида эътироф этилди.

Бунда Ўзбекистон Конституцияси халқ хоҳиши-иродасини ифода этувчи адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайдиган олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат эканлигини эътироф этиш ва тасдиқлаш назарда тутилди.

Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳуқуқий ҳужжат, балки ғурур ва ифтихор, шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган миллати, тили, динидан

қатъи назар, барча инсонлар учун мустақам бир ҳимоя ҳисобланади. Бинобарин, Конституция давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асоси бўлиб, унда истиқлол ва тараққиёт йўлимизнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилган.

Шу тариқа 30 йилдан буён Ўзбекистон давлати 1992 йилда қабул қилинган Конституцияни қўллаган ҳолда, унда қайд этилган ҳуқуқий асосларга мувофиқ давлатнинг барча йўналишдаги сиёсатини амалга ошириб келди.

Мамлакатимиз Конституцияси давлатнинг қонунчилиги асосларини яратишда муҳим роль ўйнаганини эътироф этиш лозим. Соддароқ айтганда, бу Конституция мамлакатнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишга хизмат қилди. Асосий қонунимиз давлатни шакллантириш, уни ривожлантириш ва бошқарувини қонунлар асосида амалга оширишга катта ҳисса қўшди.

Охириги йилларда мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилиб келинаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарурати намоён бўлди. Бугунги кунда мавжуд қонунларни такомиллаштириш, давр ва мамлакатимиз тараққиёти талабларига мос ҳолатга келтириш, демократик ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий базасини, савиясини янада кўтариш чораларини кўриш тақозо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрдаги лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги мурожаатида, “Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўраемиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган

Асосий қонуниimizни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”, деб мамлакат Конституциясини янгилаш ғоясини илгари сурди.

Жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки мамлакат конституцияси ва қонунлари билан кафолатланиши, унинг ҳақиқий ижросини таъминлаш халқаро ҳамжамиятнинг айна шу мамлакатга бўладиган муносабатини белгилайди. Бундай қоидаларнинг Конституцияда мавжудлиги, уларни реал амалга ошириш кафолатларининг таъминланиши мамлакатимизнинг устувор сиёсати ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи барча давлатларда доимий равишда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Дунё мамлакатларининг анчагина қисмида фуқароларнинг ҳуқуқлари жинояткорона бузилиб келмоқда. Шахснинг энг асосий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқи охириги йилларда ички урушлар натижасида ваҳшиёна тарзда поймол қилинмоқда. Давлатлар ўртасидаги урушлар кўлами кенгайгандан кенгайиб, кимўзарга янги қуролларни намойиш қилиш майдонига айланаяпти. Ҳар куни бир-бирининг қанча техникасини йўқ қилгани статистикасини бериш билан бирга, қанча тирик кучларини (живой силы) йўқ қилинганини ғурур билан айтишяпти. Шундай таҳликали замонда мамлакатимизда олиб борилаятган бунёдкорлик ишлари, фуқаролари ҳимоясини таъминлайдиган қонунларни тизимли тарзда қабул қилиш ва Асосий қонунни янада такомиллаштириш каби муҳим йўналишлардаги саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз фуқароларининг ҳимоясини кафолатли таъминлаш қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Ҳар бир давлат ўзининг энг асосий вазифаси сифатида ўз фуқароларининг ҳуқуқларини мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилишдан иборат, деб ҳисоблаб келади. Конституциямиз айнан мана шу талабларни ўзида акс эттириш мақсадида уни янада такомиллаштириш чораларини кўрди. Фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг қабул қилиниши, уларнинг амалда ижро қилинишини таъминлаш бу демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим кўрсаткичи, инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид демократик тамойилларнинг амалдаги акси ва ҳар қандай жамиятнинг асосий ўзаги ҳисобланади.

Шу тўғрисида халқаро ҳуқуқда ҳам, миллий ҳуқуқ тизимида ҳам инсон ҳуқуқларига оид нормаларда асосий йўналиш қонунларнинг мавжудлиги билан бирга уларнинг амалий ижросига оид талабларни ҳам ўз ичига олади.

Барча демократик мамлакатлар ўз давлат идораларининг, мансабдор шахсларининг фаолиятлари орқали фуқаролар олдида, уларнинг ҳуқуқларини

таъминлаш борасида масъулдир. Бу эса ўз навбатида, фуқароларнинг ҳам давлат олдидаги масъулиятини келтириб чиқаради. Фуқаролар Конституцияда белгиланган бурчларини бажаришлари шарт. Айниқса, янгиланган Конституциянинг 60-моддасида белгиланган “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”, деб эътироф этилган қоидага эътиборни қаратиш лозим. Айрим фуқаролар оммавий ахборот воситалари, хусусан, виртуал майдонда бошқаларнинг ҳуқуқларини, шаъни, қадр-қимматини “бузишга яратилган имконият” деб, турли ножўя қилиқлар, уятсиз ва ҳақоратлаш даражасидаги чиқишлари билан конституциявий қонунларга дахл қилмоқда. Албатта, мамлакат қонунларида бу ноқонуний ҳаракатларни содир этганларга тегишли чоралар белгиланган, уларга нисбатан қонун асосида чоралар кўриш таъминланаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг масъуллиги хусусидаги қоидаларни эътироф этиб, уни бошқача тарзда ва тўлиқроқ талқин этади. Яъни, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг нафақат фуқаролар, балки жамият олдидаги масъуллиги белгиланди. Бу эса алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишни таъминлаш бутун жамият ҳуқуқларини таъминлаш омили бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу қоидаларни тўлдириб давлат халқ идорасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси унинг асосий тамойили бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга давлат органларининг масъуллигини белгилаш билан чекланиб қолмаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига доир кўплаб моддалар ва қоидалар киритилиши таклиф этилди. Таъкидлаш лозимки, уларнинг аксарияти бошқа қонунлар, қарорлар, республика Президентининг фармонлари орқали амалга ошириб келинмоқда. Ушбу қоидаларнинг конституциявий норма сифатида қайд қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мукамал ва тўлиқ ҳимоя қилишга асос бўлиши шубҳасиз.

Жамият қатъий ва умумэътироф этилган қоидаларсиз яшай олмайди. Давлатдаги қоида эса бу қонун, унга итоат этиш, уни бажаришни таъминлашдир. Бу фуқароларнинг тинчлиги, уларнинг оёйишталиги, шахсий хавфсизлиги ва белгиланган тартиб қоидаларининг ўзгармаслигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозимлигини тақозо этади. Ушбу талабларнинг таъминланганига қараб фуқароларнинг давлатга, унинг органларига ишончи ортади.



Қонунларга риоя этиш давлатнинг ўзидан бошланади. У нафақат барча учун тенг ҳуқуқларни ўрнатади, балки уларга ўзи ҳам амал қилади, яъни уни давлат идоралари ва мансабдор шахслари ижро этишини таъминлайди. Чунки ҳуқуқ таъминланмаган ва шунга асосан заифлашган давлатда инсон ҳимоясиз ва эркин бўлиб қолади. Айнан мана шу ҳақиқатни англаган ҳолда Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда фуқаролар нафақат ўз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг қатор талаблари, балки энг юқори даражадаги ривожланган давлатлардаги каби нормалар доирасида бўлишини англаганлар, шунга интилоқдалар, давлат ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси айнан шу нормаларга мос бўлишини истайди. Шу туфайли Ўзбекистон давлати фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат қурилишининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг гарови ва кафолати бўлмиш қонунчиликни инсонпарварлаштириш йўли билан амалга оширишни танлаган. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллиги жамият учун қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўзда эмас, амалда ижро этилиш имконига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини ҳал этиш орқали эришилди.

Ўзбекистон давлатининг барча фаолияти ўз аҳолисининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон ва эркин яшашини таъминлашга қаратилган бўлиб, амалга оширилаётган тадбирий чоралар бошқа давлатлар иқтисодчилари, мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бугун айрим мамлакатларда иқтисодий инқирознинг кучайиб бораётганлиги, ҳатто айримларида оддий озиқ-овқатларнинг етишмаслиги, анчагина мамлакатларда очарчилик ортиб бораётганлиги, иқтисодий ва сиёсий келишмовчиликлар айрим катта-кичик давлатларни, уларнинг молиявий тизимларини ларзага солиб турганда, Ўзбекистонда бу инқирозни минималлаштиришга оид кўрилган чоралар, олиб борилган иқтисодий ислохотлар самарасида аҳолини улардан қийинчиликларсиз ўтишга шароит яратилмоқда. Бу жараёнларда қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини тиклаш борасида олиб борилаётган мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари

ўртасида чегара борасидаги келишмовчиликлар, бир неча марта қон тўкилишига олиб келган жанжалларнинг ечими топилганлиги, тарафлар қабул қилган қарорлар иккала давлат парламентлари томонидан маъқуллангани нафақат тўғри ва асосли қабул қилинганлиги, балки юқори даражадаги дипломатиянинг самараси бўлди. Аҳолининг барқарор турмуш тарзини таъминлаш изчиллик билан, босқичма-босқич Конституция ва қонунлар асосида олиб борилаётган улкан меҳнатлар самарасидир.

Ҳар бир давлат ўз фуқаролари ҳимоясини таъминлашни масъулият сифатида зиммасига олишининг нуфузини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасиданоқ фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон юртимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда, “ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз”, деб эътироф этилган.

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган нормалар янги Конституцияни қабул қилишнинг асосини ташкил этади.

Давлат халқ манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида қуйидагича баён этилган. «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Бу конституциявий қоида республикамизда оғишмай амалга оширилиб келинмоқда. Фуқароларимизнинг тинч, фаровон, барқарор яшашлари учун тизимли амалий ишлар қилинаёпти, уларни амалга ошириш учун катта-катта сармоялар сарф этилаяпти, шаҳар ва қишлоқларимиз обод этилиб, гўзал бўлишига, тараққий этишига катта эътибор берилаяпти. Шаҳарларимиз қиёфаси ривожланган давлатлардан қолишмайдиган даражага келаяпти. Буларнинг барчаси халқимизнинг ўз ҳаётларидан мамнун бўлиб, ижодий меҳнат қилишларига кенг йўл очиб бермоқда.

Ўзбекистоннинг бугун жаҳон ҳамжамиятида ўз овозига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган давлатлари орасида ўзига хос мавқени эгаллаши, халқаро майдонда мамлакат Президентининг нуфузи ортиб бориши заминидан ҳам Ўзбекистон давлати ўз Конституциясида белгиланган давлат масъулиятининг ижросини сўзсиз таъминлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Асосий қонунимизнинг 30 йиллик ўтмишига эътибор қаратар эканмиз, шу ўтган тарихий қисқа давр мобайнида Конституцияимизнинг халқаро талабларга тўла жавоб беришини, мазмун ва моҳиятан демократик принципларга содиқ эканлигини англаб етиш мушкул эмас. Унинг мақсади ўз фуқаро-



ролари ҳимоясига қаратилганлиги ва давлатнинг демократик давлат бошқарувидаги йўналишни танлагани амалда таъминланиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни янги таҳрирда қабул қилиш, бу масалалар бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги таклифлар мамлакат аҳолисининг барча бўғинлари томонидан қўллаб-қувватлангани алоҳида эътирофга лойиқ.

Улғайиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда Конституциямизнинг ўрни беқиёс. Зеро, орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажигини фарзандлари камолида кўради. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган юртнинг эртанги тақдири ҳам ёш авлод саодати билан чамбарчас боғлиқ.

Шу билан бирга, янгиланган Конституцияга мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга сафарбар этилган адвокатура органлари фаолиятига оид жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган барча тадбирлар жамиятда тинч-тотувлик, барқарорлик ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ёрдам беришга қаратилган.

Давлат ҳуқуқий институтлари тизимида Ўзбекистон Республикаси прокуратура тизими, унинг функциясини ва ҳуқуқий мақомини, ташкил этилишини, фаолияти шакл ва услубларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXV бобнинг 143-146-моддалари прокуратура органларига тегишли бўлди.

Ўзбекистонда адвокатура институтининг мавқеини кўтариш йўли билан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларнинг барча жабҳадаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришиш назарда тутилади. Адвокатура органлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги қонун билан фаолият юритади.

Яқин кунларгача дунё миқёсида аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга масъул бу орган ходимларининг сони анчагина кам эди. Адвокатларнинг сони ва аҳоли жон бошига ҳимоячининг тўғри келиши 2023 йил ҳолатига хорижий давлатларда,

хусусан, АҚШда 248, Италияда 260, Германияда 516, Ҳиндистонда 951, Францияда 1221, Латвияда 1500 нафар фуқарога бир нафар адвокат юридик ёрдам кўрсатиши тўғри келмоқда. Ўзбекистонда 5366 адвокат фаолият юритаётган бўлиб, мазкур кўрсаткич 6708 нафарни ташкил этади. Бу йўналишдаги фаолиятимизни юқори савияга кўтариш ишлари амалга оширилмоқда.

Охирги йилларда аҳолининг ҳуқуқий ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида адвокатура органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясига бўлган ваколатига жуда катта аҳамият берилаяпти. Бу ҳолатни янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида адвокатура институтининг мақоми белгиланиши ўта зарворли қадам дейишимиз мумкин. Ўзбекистон давлатининг қисқа тарихий тараққиёти ва сиёсий ривожланиш жараёнида адвокатура институти мақомига бу қадар юксак ўрин берилиши энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган деб эътироф этишимиз мумкин.

Юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида адвокатура институтига Конституция даражасида эътибор қаратилиши тарихий ҳуқуқий жараён бўлди.

Хусусан, янгиланган Конституциянинг 141-моддасида “Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади”, деб қайд қилинди.

Шу билан бирга, адвокатура институти мавқеининг бу даражада юксалиши адвокатурада фаолият юритаётган ходимлардан юқори савиядаги масъулиятни ҳам талаб этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адолатли қарорлар қабул қилинишига эришишда жонбозлик кўрсатишлари лозим бўлади.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 19-мақсадида адвокат мақомига эга бўлишга оид талабларнинг белгиланганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси кўплаб қонунлар қабул қилиш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ушбу ўзгартиришлар жамиятни эркинлаштириш, давлат бошқарувини ва суд-ҳуқуқ тизимларини янада такомиллаштиришга йўл очиб берди. Бу йўналишдаги фаолият мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

#



# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ПРЕДМЕТИ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалалари, бу масала бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлили, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ўрганилган. Таҳлиллар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье изучаются вопросы совершенствования научно-теоретической основы прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов, анализ мнений ученых-юристов по этому вопросу, законодательный опыт зарубежных стран. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование научно-теоретической основы предмета прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов.

**ANNOTATION.** This article examines the issues of improving the scientific and theoretical basis of prosecutorial control over the implementation of legislation on food safety, analysis of the opinions of legal scholars on this issue, and the legislative experience of foreign countries. As a result of the analysis, proposals aimed at improving the scientific and theoretical basis of the subject of prosecutorial control over the implementation of legislation on food safety are substantiated.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, қонунчилик, прокурор назорати, назорат предмети, ҳуқуқий асослар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** безопасность пищевой продукции, законодательство, прокурорский контроль, предмет контроля, правовые основы, зарубежный опыт, совершенствование.

**Key words:** food safety, legislation, prosecutorial control, subject of control, legal basis, foreign experience, improvement.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети аниқлаш, бу борада самарали ва таъсирчан назоратни амалга ошириш учун аввало прокурор назоратининг предмети тушунчаси, унинг мазмуни ва илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, прокурор назоратининг предмети прокурор назорати тушунчасидан кўра кенг тушунча ҳисобланиши борасида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Бинобарин, манбаларда таъкидланишича, назорат – бу бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш.к. устидан доимо кузатиш, текшириш маъносида келади.<sup>1</sup> Прокурор назорати эса прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича фаолиятининг шакли ҳисобланади.<sup>2</sup> Предмет эса нарса, объект сифати-

да кўрилади.<sup>3</sup>

Шу ўринда озиқ-овқат хавфсизлигига оид муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу йўналишда прокурор назорати предмети аниқ очиб берилмаган.

Фақатгина озиқ-овқат хавфсизлигининг айрим йўналишларига доир қонун ҳужжатларида улар ижроси устидан назоратни ташкил қилишнинг умумий масалаларига тўхталиб ўтилган, холос. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунининг 4 ва 8-моддаларида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан давлат назорат акс этган бўлиб, унга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат

1 Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н – Тартибли / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. -Т. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020 й. – 10-бет.

2 <https://ru.wikipedia.org>.

3 Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н – Тартибли / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. -Т. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020 й. – 306-бет.

рўйхатидан ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш, озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонунчилик билан белгиланадиган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.<sup>4</sup>

Ёки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрдаги “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида ушбу қонун талабларига риоя этилиши, шунингдек гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария ҳолати, сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилиши, 4-моддасига мувофиқ эса, она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг она сути билан озиқлантиришга бўлган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати эканлиги белгиланган.<sup>5</sup>

Бироқ мазкур қонун ҳужжатларида назорат

предмети нималардан иборат бўлиши назарда тутилмаган. Бу эса юридик адабиётларда бу билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва тадқиқ этишни тақозо этади. Масалан, Ю.О.Карпышеванинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг бир қисми бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат предмети сифатида нафақат мансабдор шахслар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, шунингдек, мазкур йўналишда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлигини ҳам қамраб олади.<sup>6</sup> Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик соҳасидаги назорат предмети нималарда намоён бўлиши махсус тадқиқ этиб ўрганилмаган бўлса-да, бироқ умуман қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети тўғрисида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Масалан, Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурор назоратининг предмети вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ташкил қилади.<sup>7</sup> М.Т.Абдуҳакимов ўз тадқиқот ишида юқоридаги олим қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ёритишда “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашган, деган фикрни илгари суради ва ер қонунчилиги соҳасидаги давлат назорати предмети ушбу муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларида белгиланмас экан, юридик адабиётларда бу борадаги назорат предмети бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилаверишини таъкидлайди.<sup>8</sup>

Шу ўринда М.Т.Абдуҳакимовнинг билдирган фикрларига қўшилган ҳолда бизнинг фикримизча ҳам “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси соҳасидаги давлат назорати билан бирга

4 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон

5 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 03/19/574/3950-сон.

6 Карпышева Ю.О. деятельность прокурора в сфере обеспечения продовольственной безопасности // Учебное пособие, Иркутск-2018 г., 30-32-стр.

7 Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. Масьул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: O'zbekiston, 2009 й. – Б. 147-148.

8 Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. 2023 й. – 21– бет.



прокурор назоратининг предмети нималарда иборат бўлиши тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилиши зарур.

Бинобарин, бу борада ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик соҳасидаги давлат назоратининг предмети махсус қонунларда мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Туркменистон Республикасининг 2016 йил 23 ноябрдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назоратининг предмети аҳолини ҳаётини зарур истеъмол маҳсулотлари ва озиқ-овқат хомашёси билан таъминлашга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг ижросига қаратилган қонун талабларига риоя этилиши деб белгиланган.

Ушбу қонунга асосан озиқ-овқат хавфсизлигига оид давлат назоратининг субъектлари Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, мазкур йўналишдаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ваколатли ташкилотлар этиб белгиланган.<sup>9</sup>

Шу каби қоидалар Арманистон Республикасининг 2002 йил 7 майдаги “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида ҳам акс этган.<sup>10</sup>

Бу каби нормалар кўплаб хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида учрайди. Бу эса ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ҳам аниқлаб олиш имконини беради. Шундай экан фикримизча, мамлакатимизда “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат назоратининг предмети нималарда намоён бўлишини назарда тутувчи махсус нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан прокурор назоратининг предмети ҳам аниқлаш имонини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фикримизча, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети таъриф беришда прокурорнинг мазкур соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятининг вазифаси ва функцияларидан келиб чиқиш лозим бўлади.

Тадқиқ қилинаётган мавзу бўйича прокурор назоратининг фаолияти доирасини белгилаш орқали

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети аниқ шакллантириш мумкин бўлади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати фаолияти йўналишини қуйидагича тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- озиқ-овқат экинларини жойлаштириш, экиш ва етиштиришда қонунларнинг ижро этилиши;
- озиқ-овқат етиштириш учун ажратилган ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда қонун талабларига риоя этилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритишда қонунларнинг ижро этилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш ва сақлашда қонун нормаларига амал қилиниши;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси;

– озиқ-овқат хавфсизлигига оид қабул қилинган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчиликка мувофиқлиги.

Прокурорлар озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш борасида доирани тўғри белгилаб олишлари лозим бўлади. Зеро, прокурор бир томондан хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, сақлаш, сотиш, бундай маҳсулотларга нисбатан аҳоли эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, бу борада қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаш, қонунлар ижросини қатъий назоратга олиш ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаши лозим бўлса, иккинчи томондан, назоратни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик, бошқарув ва назорат қилувчи органларнинг вазифаларини бажармаслик ҳам шарт ҳисобланади.

Хулоса ўрнида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати-

9 Туркменистон Республикасининг 2016 йил 23 ноябрдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. // <https://online.zakon.kz/Document>

10 Арманистон Республикасининг 2002 йил 7 майдаги “Озиқ-Овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонуни. // <https://faolex.fao.org/docs/pdf/arm109278>

нинг предмети – бу вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишда қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан мазкур йўналишда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш ҳисобланади.

Қисқача тушунтирганда, прокурор назорати тартибга солиш фаолияти йўналтирилган озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлардир.

Шу ўринда, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат предметининг чегарасини аниқлаб олиш прокурорлар томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг эски таҳрирдаги 1992 йил 9 декабрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари ҳам прокурор назорати предмети сифатида кiritилган эди.<sup>11</sup>

Лекин янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар томонидан қонун талабларига риоя этилиши назорат предметидан чиқариб юборилиши натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметига якка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи деҳқон хўжаликларида қонун талабларига риоя этилиши ҳам кирадим, деган савол туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалик

ҳисобланиб, ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзаёт ва полиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ихтисослашиш асосида амалга ошириши кўрсатилган.

Шунингдек, деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига кириши ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Мазкур қонуннинг 10-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан назорат қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.<sup>12</sup>

Ёки, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасида якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг 7-моддасида эса жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, қонуннинг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик бузилиши содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда хавфни таҳлил этиш натижалари асосида назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибида амалга оширилиши мустаҳкамланган.<sup>13</sup>

Юқоридаги асосларга кўра якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжаликлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик талабларига риоя этилиши прокурор назорати предмети сифатида баҳолаш лозим.

Бундан ташқари, кўпгина хорижий давлатларда тижорат ва тижоратчи бўлмаган юридик шахслар томонидан қонун талабларига риоя этилиши ҳам

11 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон.

12 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 03/21/680/0263-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.11.2022 й., 03/22/800/0990-сон.

13 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон.



прокурор назорати предмети сифатида қонунда мустақамлаган. Мисол учун, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар томонидан қонун талабларига риоя этилиши ҳам прокурор назорати предмети киритилган.<sup>14</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофиқ фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин, деб белгиланган.<sup>15</sup>

Мамлакатимизда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари озик-овқат хавфсизлиги йўналишида фаолият юритиши мумкинлиги айрим қонун ҳужжатларида мустақамланган. Мисол учун, Ўзбе-

кистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 30-моддасига мувофиқ истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкинлиги ҳамда ушбу жамиятлар истеъмолчиларни сифатсиз озик-овқат маҳсулотларидан ҳимоя қилиш чораларини кўриш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.<sup>16</sup>

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 374-сонли қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ёки тадбиркорик фаолияти субъектларини текшириш учунгина махсус рухсат талаб қилиниб, нодавлат нотижорат ташкилотларини қонун талабларига риоя этишини текшириш учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди.

#

14 Федеральный закон «О прокуратуре Российской Федерации» от 17.01.1992 N 2202-1 (последняя редакция) [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_262/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/)

15 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон.

16 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон.



Mrs Emmanuelle LAUDIC-BARON,  
Prosecutor, Project manager, International Department,  
French National School for the Judiciary (ENM)

## JUDICIAL TRAINING IN FRANCE: A CATALYST FOR UPHOLDING THE RULE OF LAW

**ABSTRACT.** This article reflects on the pivotal role of judicial training in safeguarding the rule of law and protecting fundamental rights. It provides an overview of the initiatives undertaken by the French National School for the Judiciary (ENM) in addressing these imperatives.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье размышляется о ключевой роли подготовки судей в обеспечении верховенства закона и защите основных прав. В нем представлен обзор инициатив, предпринятых Французской национальной школой судебной власти (ENM) для решения этих задач.

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада судьяларни тайёрлашнинг қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий роли акс эттирилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун Франция суд тизими Миллий мактаби (ENM) томонидан олиб борилган ташаббуслар ҳақида умумий маълумот берилди.

**Key words:** rule of law, fundamental rights, judicial training.

**Ключевые слова:** верховенство закона, основные права, подготовка судей.

**Калит сўзлар:** қонун устуворлиги, асосий ҳуқуқлар, судьяларни тайёрлаш.

### Introduction:

The principle of the rule of law is deeply ingrained in the DNA of the ENM, situated in Bordeaux. It was Montesquieu, magistrate at the Bordeaux parliament and philosopher, who set out in his book « De l'Esprit des lois<sup>1</sup> », the principles of the separation of powers. These principles, foundational to the proper functioning of democracies, underscore the binding nature of the law on all, including the State itself, and advocate for a hierarchy of norms and an independent judiciary.

The European Union's recent emphasis on the rule of law reflects its recognition of the pivotal role played by legal framework in the construction of Europe. Over the last decade, concerted efforts have been made to fortify the rule of law within the EU, leveraging institutional mechanisms, monitoring tools, Union law jurisprudence, and collaboration with the Council of Europe.

Presently, compliance with the rule of law is integral to the process of European integration.

### Challenges to the Rule of Law:

Therefore, the Member States of the Union and those that aspire to become members must respect the fundamental values of the Union – freedom, democracy, equality and respect for human rights – fundamental values that are themselves protected by a commitment to the rule of law and the principles of mutual trust and mutual recognition of judicial decisions.

However, compliance with the rule of law within the

European Union remains susceptible to fragility, and at times, outright threats and it would undoubtedly be a mistake to think that the erosion of the rule of law is only an issue for certain States.

Despite the integration of the rule of law into the fabric of European values, its stability within the EU remains susceptible to fragility and, at times, outright threats. This erosion of consensus, manifesting from Poland to Hungary, via Italy, Austria, even the UK and France and beyond, is propelled by reactionary, populist, identitarian, and xenophobic forces. These elements challenge liberal agendas and disrupt the foundational structures of the rule of law, thereby compromising rights guarantees. The resulting crises, witnessed even beyond Europe's borders, underscore the gravity of the situation.

Legal certainty and legitimate expectations have been enshrined by the Court of Justice as general principles of EU law. In France, the President of the Republic has launched **les États généraux de la Justice<sup>2</sup> a major national consultation that recognises the fundamental nature of the relationship between citizens and the justice system. Confidence in the justice system is an essential element in a democracy. Although concerns about the rule of law persist in some EU Member States, the European Commission's report on the rule of law<sup>3</sup>** has become a key driver for change and positive reform.

In fact, 65% of the recommendations made in 2022 have been fully or partially implemented. This shows that significant efforts are being made in Member States

1 Montesquieu, De l'Esprit des lois, 1748, Texte intégral : Paris, Firmin-Didot frères, fils et Cie, 1857

2 [www.participation-citoyenne.gouv.fr/sites/default/files/2022-07/Rapport\\_EGJ\\_20220516.pdf](http://www.participation-citoyenne.gouv.fr/sites/default/files/2022-07/Rapport_EGJ_20220516.pdf)

3 [https://commission.europa.eu/publications/2023-rule-law-report-communication-and-country-chapters\\_en](https://commission.europa.eu/publications/2023-rule-law-report-communication-and-country-chapters_en)



to address last year's recommendations. Given that reforms to improve the rule of law framework take time, this is a significant development over just one year. While commendable efforts have been made to address these concerns, systemic challenges persist, particularly in the realm of judicial independence.

### **Role of Legal Practitioners:**

The indispensable role of legal practitioners in upholding the rule of law cannot be overstated. The application of Union law and the achievement of effective judicial protection are contingent upon the unwavering respect for the rule of law. Crucially, this reliance rests upon the independence and quality of national judicial systems.

### **Professional Training as Pillar of Rule of Law :**

Professional training stands as an essential condition for ensuring the efficiency and consistency of the rule of law: but what does this mean today in 2023?

The training continuum, commencing in law faculties and extending through practical application in professional practice schools across Europe, addresses contemporary challenges on two fronts.

Firstly, addressing the complexity of protecting fundamental rights and freedoms entails acquiring knowledge and expertise in the application of European instruments, such as the Charter of Fundamental Rights of the European Union. Monitoring the jurisprudence of the European Union and the European Court of Human Rights becomes imperative, alongside navigating the diverse protection mechanisms within national systems.

Secondly, the imperative to counteract the decline in the rule of law and fundamental rights within the European Union underscores the urgency of prioritizing the effectiveness and reinforcement of the rule of law. The pivotal role of initial and ongoing training of justice professionals emerges as a critical lever in achieving these objectives.

### **ENM's initiatives:**

To meet these challenges, each year ENM organises training courses on the rule of law and respect for fundamental rights.

### **As part of initial training:**

ENM's initial training objective is defined as follows: «To train judicial trainees to perform the various functions of a judge or prosecutor by acquiring the fundamental skills needed to make decisions in accordance with the

law and adapted to the context, respecting the individual and the rules of ethics and professional conduct, and fitting into the national and international institutional environment».

As Chantal Arens, former First President of the Cour de Cassation, said at the opening of the Supreme Council of the Judiciary's conference on 12 March 2021 – entitled «Independence and accountability of the judiciary»: «Members of the judiciary have significant powers over their fellow citizens, affecting their freedom, honour, security or family, social and material interests. The counterpart of these powers, in any democracy, is the responsibility of those who exercise them, based on irreproachable competence, high-level training, impartiality and unfailing ethics and professional conduct.

Ethical considerations, identified as a core competency, are ingrained in the initial training program through practical workshops and form a significant component of the final aptitude examination.

### **As part of ongoing training:**

Promoting the ongoing training of judicial professionals is in line with the international principles of judicial training and is the necessary foundation for supporting the rule of law.

As part of its ongoing training, ENM offers a number of training courses and cycles on strengthening the rule of law, such as:

- Procedural guarantees in criminal matters within the European Union
- Insolvency and European Union law
- European judicial studies cycle

### **As part of the training courses organised by the International Department:**

As part of its international strategy for 2023 to 2027, ENM's international department reiterates its commitment to fostering a judicial community that shares fundamental values, particularly within the EU, and to promoting international standards in judicial training.

For two years, ENM's international department has been running the ETHICA project, which came out of the Paris Declaration on the Effectiveness of International Criminal Justice. The aim of the «Ethica – Towards a common code of ethics for international criminal judges» project was to examine the issues of ethics and professional conduct in international criminal justice and produced a guide of «ethical principles for international criminal judges<sup>4</sup>» which was presented to the international community during Legal Week in New York on 24 October.



Acknowledging that the efficacy of a judicial system is contingent upon the exchange of professional knowledge and practices, the ENM actively participates in several European and international training networks. Its contribution to the «Declaration of Principles of Judicial Training,» unanimously adopted by the International Organization for Judicial Training (IOJT) on 8 November 2017, underscores its commitment to fostering a dynamic of exchange based on mutual trust with its partners.

**Conclusion:**

In conclusion, this contribution underscores the indispensable role of judicial training in fortifying the rule of law and protecting fundamental rights within the dynamic context of the European Union. The multifaceted approach of the French National School for the Judiciary, as outlined in its initiatives, reflects a commitment to addressing contemporary challenges and fostering a community of legal practitioners dedicated to upholding the principles of justice and the rule of law.

.....  
#  
\_\_\_\_\_



# FLIPPED CLASSROOM TEACHING METHODS IN CHINESE PROCURATORIAL EDUCATION AND TRAINING: THE APPLICATION AND INNOVATIONS

**ABSTRACT.** The wide application of digital technology has impacted legal research and legal education, and brought with challenges and opportunities, which has also stimulated innovation in legal research and teaching methods. Flipped Classroom has been the trend of legal education and training in the digital era. Such methods can make full use of Internet resources, and through the integration of "online+ offline" methods, including case-analysis, online teaching, practical teaching, interactive teaching and other teaching method. The National Prosecutors College of P.R.C has carried out pilot teaching programs whereby setting up three courses in a targeted manner in light of characteristics of each course, by taking into account of problems, views and case types. The College thus has created three models and basic methods of flipping classrooms in procuratorial education and training, and further explore new models for future legal education and training.

**АННОТАЦИЯ.** Рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳуқуқий тадқиқотлар ва ҳуқуқий таълимга таъсир кўрсатди, шунингдек, қийинчиликлар ва имкониятларни келтириб чиқарди, бу эса ҳуқуқий тадқиқотлар ва ўқитиш усулларида инновацияларни рағбатлантирди. «Тескари синф» (Flipped Classroom) рақамли асрда ҳуқуқий таълим ва ўқитиш тенденциясига айланди. Бундай усуллар «онлайн + офлайн», шу жумладан, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, онлайн ўрганиш, амалий таълим, интерактив таълим ва бошқа ўқитиш усулларини бирлаштириш орқали интернет ресурсларидан тўлиқ фойдаланиши мумкин. Хитой Халқ Республикаси Миллий прокуратура коллежида мақсадли равишда ҳар бир курснинг ўзига хос хусусиятларини, муаммолар, қарашлар ва ишларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш курси ташкил этилди. Шу тариқа, коллеж прокуратура таълими ва ўқитиш соҳасида синфларни ўзгартиришнинг ўқитиш модели ва асосий усулларини ишлаб чиқди, шунингдек, келажакда ҳуқуқий таълим ва ўқитишнинг янги моделларини ўрганишни давом эттирмоқда.

**АННОТАЦИЯ.** Широкое применение цифровых технологий повлияло на юридические исследования и юридическое образование, а также принесло с собой проблемы и возможности, что также стимулировало инновации в юридических исследованиях и методах обучения. «Перевернутый класс» стал тенденцией юридического образования и обучения в цифровую эпоху. Такие методы могут в полной мере использовать ресурсы интернета, а также за счет интеграции методов «онлайн + офлайн», включая анализ конкретных случаев, онлайн-обучение, практическое обучение, интерактивное обучение и другие методы обучения. Национальный колледж прокуроров КНР реализовала пилотные программы обучения, в рамках которых целенаправленно были созданы три курса с учетом особенностей каждого курса, с учетом проблем, взглядов и типов дел. Таким образом, Колледж разработал три модели и базовые методы смены классов в сфере прокурорского образования и подготовки, а также продолжает изучать новые модели будущего юридического образования и подготовки.

**Key words:** «Flipped Classroom», online and offline integration, legal education, procuratorial training.

**Калит сўзлар:** «тескари синф», онлайн ва офлайн интеграция, ҳуқуқий таълим, прокурорларни ўқитиш.

**Ключевые слова:** «Перевернутый класс», онлайн и офлайн интеграция, юридическое образование, подготовка прокуроров.

In the digital age, AI technology such as ChatGPT poses unprecedented challenges to legal education and research. How to incorporate such technology into offline learning and how to efficiently draw information from these vast range of information resources, are key issues in current legal education, especially in procuratorial education training which is provided to prosecutors with some legal practice experience in contrast with traditional legal education and research. Unlike legal education in universities, prosecutors prefer training that is practical, experienced and participatory. Therefore Flipped Classroom as a new type of teaching will satisfy those needs.

## 1. The concept and introduction of Flipped Classroom

To study the Flipped Classroom teaching methods, the concept, characteristics, and the background of the Flipped Classroom will be elaborated in this part.

## The definition of Flipped Classroom

In 1990s, Eric Mazur, a physics professor Harvard University, founded the Flipped Classroom, and held that learning should be divided into two stages, "knowledge transfer" and "absorption internalization". While the traditional teaching is too much concerned about the first stage "knowledge transfer" and ignore the second stage "absorption internalization". Therefore, he has applied Internet-assisted teaching to carry out "knowledge transfer", and asked trainees assisted by instructors to help each other learn to achieve "absorption and internalization" of knowledge.

Since the birth of Flipped Classroom, it has attracted more and more attention from education trainers. Especially in 2011, Flipped Classroom was rated as one of the ten "educational technology events". and in such well-known articles as A Brief History of Classroom Technology Development, Technology is a Passport



for Personalized Learning, Flipped Classroom is a revolutionary change in pedagogical style since the European Renaissance, Flipped Classroom has thus turned into a hot spot global education.

Flipped Classroom is defined as an interactive form of teaching that uses the Internet to transfer knowledge to trainees, and then requests trainees under the guidance of instructors to help each other learn to complete the internalization of knowledge. The Flipped Classroom is practical, interactive and network-based training.

### 1.2 Flipped Classroom teaching methods

In China, Flipped Classrooms have been widely adopted in secondary schools and universities, in order to further stimulate students' ability to learn independently, think proactively and find answers independently as well as motivating their potentials. In the process of Flipped Classroom, the instructors would videotape micro courses that contains knowledge that students need to learn and disseminate them to the students the knowledge in advance, and the students are requested to make full use of the prior-class time to digest and absorb such knowledge, during such process of which the teachers are also responsible for guiding the students and answering questions and doubts for the students. When coming into the classrooms, students are asked to present what they have learned, while teachers may answer or ask questions. This kind of Flipped Classroom learning method has become a trend in China.

However, we should also note that although Flipped Classrooms have been widely applied in secondary school and university classrooms, there is still much room for improvement, especially in procuratorial education training. By drawing lessons from the training experience and analyzing feedback from the trainees in the three pilot procuratorial education training courses, it is expected that the Flipped Classroom can be gradually applied in education and training for the prosecutors.

### 1.3 Advantages of Flipped Classroom teaching method

The reason why Flipped Classroom has gradually been introduced into the the China education community and become a trend, are due to the following two advantages.

One is that Flipped Classroom is to boost incentives of students as well as instructors. On the one hand, the Flipped Classroom can stimulate their awareness of issues and interests in training courses. The Flipped Classroom requires trainees to learn case materials and answer induced questions independently, then solve difficult problems by watching through teaching videos, and then communicate with each other through group learning. At every node, trainees should be always in a state of thinking, analyzing, exploring, and progressing. The classroom is not for passive listening, but active problem-solving and clearance of knowledge blind spots, and thus stimulate trainees'

enthusiasm and consciousness to learn. On the other hand, it promotes instructors' teaching initiatives and broaden their knowledge scope. Flipped Classroom has greatly changed the way instructors prepare lessons. It prompts instructors to conduct in-depth research on the integration of teaching material sources, the specification of teaching focuses and difficulties, the making of courseware, the recording of micro lectures, and to pay more attention to the open, personalized, and changing classroom atmosphere. To achieve such goals requires a broader range of research and deeper professional attainments. Indeed, Flipped Classroom is conducive to rapidly improving instructors' professional skills.

The second is that Flipped Classroom can stimulate trainees to learn independently and deeply integrate online and offline teaching. In Flipped Classroom, trainees take the task to think proactively, take active part in group discussions, and conduct actively role-play, which can play an ice-breaking role to a certain extent. Flipped Classroom can enrich the trainees' spare time. Everyone can take the initiative to learn and collect information during the independent learning stage, and their campus life is more fulfilling and meaningful. In view of the general trend of online training, it is necessary to make full use of online training, and send information such as cases and related questions to trainees in advance, so that trainees can learn more deeply and thoroughly.

## 2. The practice of Flipped Classroom teaching method in procuratorial education training

In light of themes and features of programs, National Prosecutors College of P.R.C selected three training courses as the first batch of pilot Flipped Classrooms, and analyzed proceedings of those Flipped Classrooms in three courses in consideration of case types, problems, and views, and thus put up with three application models of Flipped Classroom teaching methods in procuratorial education and training, as follows:

### 2.1 Model one: problem-led Flipped Classroom

The main process includes five stages.

#### 2.1.1 Stage one: selection of case materials

In light of the training objectives, trainees' needs, the instructors shall carefully select several sets of complex cases.

#### 2.1.2 Stage two: pre-class preparation

The instructors shall sort out issues concerning the preparation of Flipped Classroom, the points of issues for the selected case, and record the teaching micro-video as the introductory session of Flipped Classroom.

#### 2.1.3 Stage three: self-learning for trainees

The instructors shall upload case material, questions to be pre-considered by trainees, micro-lecture videos and other teaching materials to the designated system,



and ask trainees learn to study the given materials and problems in advance.

#### 2.1.4 Stage four :the group learning

организациями путем совершения либо угрозы совершения насильственных и (или) иных преступных действий, связанных с устрашением населения и направленных на причинение ущерба личности, обществу и государству.

Основным объектом этих правонарушений являются жизнь, права и свободы граждан, целостность общества и его стабильность, экономическая безопасность страны. Степень общественной опасности и масштабы указанного негативного явления носят глобальный характер, требуя от государств международного сотрудничества в вопросах противодействия, включающего не только меры по борьбе, но и профилактике правонарушений.

Для совершения актов терроризма и (или) экстремизма деструктивные субъекты нуждаются в финансировании.

При этом, финансирование может проявляться в различных формах, путем предоставления или сбора денег и (или) иного имущества, права на имущество или выгод имущественного характера, а также дарения, мены, пожертвований, благотворительной помощи, оказания информационных и иного рода услуг либо оказания финансовых услуг физическому лицу, либо группе лиц, либо юридическому лицу.

Зачастую средства лиц, финансирующих терроризм либо экстремизм, имеют преступное происхождение и подвергаются различным манипуляциям, которые направлены на их легализацию (отмывание), введение в законный рыночный оборот.<sup>4</sup>

Деятельность преступных групп, которые отмывают денежные средства и направляют их на финансирование терроризма либо экстремизма, является проблемой многих стран, охватывает масштабы мирового уровня. Преступные группы, действующие на региональном и местном уровнях, заинтересованы в контактах с международными криминальными структурами, как в источнике валютных поступлений, так и в благоприятных для себя условиях для отмывания преступных доходов.

Таким образом, актуальность исследуемого вопроса не ограничивается географическими пределами отдельных государств, требует разрешения на глобальном уровне, являясь одной из прерогативных задач мирового сообщества. Указанные современные угрозы международной и национальной безопасности определяют основные доктрины многих международных организаций.

Международная система противодействия от-

мыванию доходов и финансированию терроризма является одним из важнейших инструментом в борьбе с террористическими угрозами в мире, пополняется различными конвенциями с учетом динамичного расширения спектра объектов, подвергавшихся таким негативным явлениям во всех возможных формах их проявления.

Обеспечение национальной безопасности возможно путем решения ряда задач, одной из которых является анализ действующих международных актов и деятельности основных международных организаций в затрагиваемой сфере для установления возможных уязвимых зон, защиты всемирной финансовой системы и повсеместного противодействия.

Среди международных организаций, регулирующих вопросы в исследуемой сфере общественных отношений следует отметить особую роль Организации объединенных наций (ООН), Группы разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (ФАТФ), Евразийскую группу по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма (ЕАГ) и группу подразделений финансовой разведки «ЭГМОНТ».

ООН является международной организацией с наибольшим числом государств-членов (порядка 190), отличительная особенность которой характеризуется разработанной программой по борьбе с отмыванием денег «Глобальная программа по борьбе с отмыванием денег» (GPML), принимаемыми международными договорами и конвенциями, имеющими обязательную силу в ратифицировавших их странах.

ФАТФ (Financial Action Task Force on Money Laundering) создано в 1989 году по решению стран «Большой семерки» (члены – порядка 36 стран и 2 организации), ее основная задача заключается в выработке мировых стандартов противодействия отмыванию доходов и финансированию терроризма, проведении оценки соответствия национальных систем таким стандартам с помощью основного инструмента «40 рекомендаций».

ЕАГ по признакам осуществления деятельности схожа с ФАТФ, но функционирует на региональном уровне (порядка 9 государств). Среди основных задач указанной группы отмечаются: оказание помощи государствам-членам в реализации 40 рекомендаций ФАТФ, разработка и проведение совместных мероприятий, программы взаимных оценок, координация программ международного

4 Так, В.Д. Ларичев рассматривал легализацию преступных доходов в качестве «процесса, при котором «грязные» деньги, обычно наличные, полученные в ходе преступной деятельности, пропускаются через банковскую систему таким образом, что превращаются в «чистые» деньги, т.е. им придается видимость законных доходов, в связи с чем не представляется возможным установить лицо, являющееся инициатором сделки, или преступное происхождение этих средств». – // Совершенствование законодательства о борьбе с «отмыванием» денег, полученных преступным путем // Гос-во и право. – 1992. – № 11. – С. 100.



сотрудничества, анализ складывающихся тенденций и обмен передовой практикой.

«ЭГМОНТ» представляет собою международное объединение подразделений финансовой разведки различных стран (порядка 159), которое образовано в 1995 году и имеет такую цель, как оказание поддержки национальным программам по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма, в том числе расширение обмена финансовой информацией, повышение квалификации персонала, содействие развитию каналов связи с использованием новых технологий. Исключительной чертой функционирования указанного объединения является предоставление государствам-участникам возможности оперативного обмена информацией по специальному защищенному каналу связи.

В ретроспективе хронологию появления международных актов, ориентированных на регулирование исследуемой сферы общественных отношений, полагаем возможным смоделировать следующим образом:

Конвенция ООН «О борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ» (Венская конвенция) – 1988 год;

40 рекомендаций ФАТФ в сфере противодействия отмыванию доходов и финансированию терроризма – 1990 год;

Конвенция Совета Европы об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности – 1990 год;

Международная конвенция по борьбе с финансированием терроризма – 1999 год;

Резолюция Совета Безопасности ООН №1267 – 1999 год;

Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности (Палермская конвенция) – 2001 год;

Конвенция ООН против коррупции – 2003 год;

Конвенция Совета Европы «Об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов добытых от преступной деятельности и финансирование терроризма» – 2005 год;

другие акты.

Каждый из вышеуказанных актов устанавливает обязательные требования для государств-участников по регулированию процессов, которые могут быть связаны с легализацией преступных доходов и финансированием терроризма.

Учитывая, что раскрытие каждого из указанных актов в установленных пределах изложения исследовательского материала не представляется возможным, полагаем целесообразным затронуть общепризнанный международный стандарт – 40 рекомендаций ФАТФ.

Данный акт устанавливает необходимые ме-

ры, которые странам следует учитывать для того, чтобы:

- определять риски, разрабатывать политику и осуществлять координацию внутри государства;

- преследовать отмывание денег, финансирование терроризма и распространения оружия массового уничтожения;

- применять превентивные меры для финансового сектора и других установленных секторов;

- устанавливать полномочия и ответственность компетентных органов (к примеру, правоохранительных, административных) и иные институциональные меры;

- укреплять прозрачность и доступность информацией о бенефициарной собственности юридических лиц и образований;

- обеспечивать международное сотрудничество.

Рекомендации ФАТФ устанавливают комплексную и последовательную структуру мер, которые необходимо адаптировать, применять в противодействии финансированию терроризма и экстремизма под конкретными условиями в разных странах, с учетом особенностей в финансовых системах, правовых, административных и оперативных структурах.

Следует отметить, что ФАТФ на основании 25 критериев проводит процесс идентификации государств и юрисдикций, которые препятствуют международному сотрудничеству в исследуемой сфере.

Указанная сегментация проводится по двум основным критериям:

Государства, которые не выполняют рекомендации ФАТФ. Международная организация призывает к действию страны, юрисдикции которых входят в группу высокого риска (применение повышенной осмотрительности, принятие контрмер для защиты международной финансовой системы от рисков, исходящих данного государства).

Государства, которые недостаточно выполняют рекомендации ФАТФ. Международная организация устанавливает усиленный мониторинг над юрисдикциями таких государств, которые активно работают с ФАТФ над устранением стратегических недостатков в своих национальных режимах.

Среди мер, которые применяются в отношении этих стран можно отметить ужесточение требований при ведении деловых отношений с субъектами таких государств, в том числе в вопросах ведения статистической отчетности по финансовым операциям, получения разрешительных документов и другим направлениям.

На основании изложенного, полагаем возможным констатировать, что международные акты являются одним из главных инструментов в вопросах противодействия легализации доходов, по-



лученных преступным путем, и финансирования терроризма.

Однако, по статистическим сведениям «статус-кво» свидетельствует о наличии ряда проблем, которые следует учитывать при совершенствовании превентивных методов эффективного реагирования на признаки такого негативного явления.

Одной из проблем, по нашему мнению, является сложность установления причинно-следственной связи предикатного преступления, способствующего легализации неправомερных доходов и финансированию терроризма.

К другому значимому вопросу в исследуемой сфере общественных отношений относится соответствие уровня квалификации субъектов противодействия.

В эпоху цифровизации, больших данных (BIG DATA, Open AI, Chat GPT) и технологического прогресса деструктивные лица применяют сверхскоростные, закодированные, технически сложные средства, которые требуют наличия специальных знаний, оперативных и высококвалифицирован-

ных специалистов, способных своевременно выявить, установить виновность и обезвредить неправомερные действия таких лиц.

Однако, на межгосударственном уровне (к примеру, в государствах-участниках ЕАГ) до настоящего времени отсутствуют конструктивные механизмы проведения международной сертификации экспертов-специалистов сферы противодействия отмыванию доходов и финансированию терроризма.

Наряду с указанным, открытым остается вопрос технического и финансового обеспечения субъектов, вовлеченных в орбиту противодействия легализации преступных доходов и финансированию терроризма, замораживания и конфискации незаконных активов.

Таким образом, международные организации устанавливают единые стандарты, которые требуют не только их имплементации на национальном уровне, но и принятия фактических, конструктивных мер по их исполнению для эффективного противодействия и обеспечения национальной безопасности.

#



Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича  
илмий-амалий марказнинг бош илмий ходими

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**АННОТАЦИЯ.** мақолада янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг моҳият-белгилари, асосий хусусиятлари, унга киритилган конституциявий новеллалар, шунингдек қонун ижодкорлиги жараёни янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга йўналтирилган тенденциялар илмий таҳлил этилган.

**АННОТАЦИЯ.** в статье рассматриваются сущностные признаки и основные особенности конституционных новелл, внесенных в Конституцию Узбекистана, а также научно анализируются тенденции дальнейшего развития и демократизации законодательного процесса.

**ABSTRACT.** the article examines the essence of the features and main features of the constitutional innovations introduced into the Constitution of Uzbekistan, as well as scientifically analyzes the trends in the further development and democratization of the legislative process.

**Калит сўзлар:** Конституция, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаси, қонунчилик жараёни, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонун чиқариш субъектлари ва босқичлари, конституциявий ислохотлар, вето ҳуқуқи ва бошқалар.

**Ключевые слова:** Конституция, законотворчество, законопроект, законодательный процесс, право законодательной инициативы, субъекты и стадии законотворчества, конституционные реформы, право вето и другие.

**Key words:** Constitution, lawmaking, bill, legislative process, right of legislative initiative, subjects and stages of lawmaking, constitutional reforms, veto power and others.

Мамлакатимиз Асосий қонунини ҳозирги замон руҳи ва талабларига мослаштириш мақсадида амалга оширилган туб конституциявий ислохотлар парламент фаолиятини, унинг палаталари ва коллатларини кенгайтириш, қонун ижодкорлигини сифат нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш масалаларини ҳам четлаб ўтмади.

Аввало, Конституцияни модернизация қилиш эҳтиёжи замонавий Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топган адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун янги конституциявий макон ва янада мукамал қонунчилик базасини яратиш зарурлигидан келиб чиқди. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал ижтимоий-сиёсий воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, янги Ўзбекистонни қуриш учун мустаҳкам, ишончли ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда, – деди давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев.<sup>1</sup>

Конституциявий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий парламентаризмнинг демократик институтларини жорий қилиш, халқ ҳокимиятчилиги реал амал қилиши учун зарур конституциявий-ҳуқуқий механизмларни ифодалаш ҳамда янада кучайтириш муҳимлиги эътироф этилди.

Конституциямизни янгилаш, янада такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш йўлидаги ислохотлар орқали мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, уни олий қадрият билиб, беназир хилқат даражасига кўтариш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, фуқароларимизда юксак ҳуқуқий онг ҳамда муносиб конституциявий-ҳуқуқий маданиятни, ҳақиқий конституциявий маърифийлик ва дунёқарашни, тегишли ҳуқуқий тафаккурни қарор топтиришда парламентнинг қонун ижодкорлик фаолияти ҳам шубҳасиз, улкан аҳамият касб этади.

Юртимизда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституциямизга давлат қурилиши, давлат ҳокимиятини оқилона тақсимлаш ҳамда ташкил этиш мақсадида бир қатор муҳим янги моддалар ва нормалар киритилди. Натижада, Парламентнинг функциялари янада аниқлаштирилди, палаталарнинг ваколатлари кенгайтирилди, хусусан, қонун ижодкорлиги жараёни сезиларли даражада демократлаштирилди. Масалан, Конституциямизнинг моддалари аввалги 128 тадан 155 тага оширилди. Ундаги конституциявий норма ва қоидалар 275 тадан 434 тагача кўпайтирилди. Умуман олганда, Асосий қонунимизнинг матни қарийб 65 фоизга янгиланди.

Шунингдек, самарали ихчам халқчил давлат ҳоқимияти ва бошқаруви тизими жорий этилиб, парламентаризм институтларини янада кучайтириш сари дадил қадамлар қўйилди:

– унга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгаймоқда, икки палата ишидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланди;

– хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага кўпайди;

– Сенат олдида қўйилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб, уни ихчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш бўйича зарур нормалар Конституцияга киритилди;

– хусусан, Сенаторлар сонини 100 нафардан 65 нафарга тушириш, бунда ҳар бир ҳудуддан тенг равишда 4 тадан сенатор сайланиши, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда қонунларни яратиш ва уларга юридик куч бағишлашнинг конституциявий механизми, қонун ижодкорлиги жараёни аниқ ва мукамал мустаҳкамланган. Қонун давлат ҳоқимияти махсус фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш қонун ҳоқимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижа-сида яратилади.

Қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлигининг энг муҳим, асосий шаклидир. Қонун ижодкорлик фаолияти – ваколатли давлат вакиллик органининг қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти. Табиийки, мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аниқланади, шакллантирилади, белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади, расмийлаштирилади, унга юридик шакл берилади.

Давлат қонунчилик фаолияти орқали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Қонун чиқариш ёки қонунчилик ҳар қандай давлатнинг ажралмас функцияси ва шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг олий вакиллик иродаси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратади, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини бекор қилиш орқали ваколатли вакиллик органи (референдумда – бвосита халқ) давлат

(халқ, ҳукмрон гуруҳ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Айни вақтда, унинг моҳияти, бутун сиёсий характериға қарамасдан, воқеликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан (ҳеч бўлмаганида, шундай билиш тақозосидан) иборат.

Демак, Қонун ижодкорлиги жараёни давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунлар яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Қонунчилик жараёни муайян тартиб, ташкиллашганлик ифодаси сифатида мамлакатда қонунчилик ҳоқимиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Қонуннинг олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат эканлиги, жамият ҳаётидаги устувор мавқеи қонунчилик жараёнининг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукамал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидаги қонуннинг туғилиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Мустақил давлатчилигимиз ривожланиши даврида шаклланган амалиёт ва ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ қонун ижодкорлиги жараёни қуйидаги босқичлар орқали рўёбга чиқади:

- қонунчилик ташаббуси билдирилиши;
- қонун лойиҳасининг парламент қуйи палатасида (қўмиталар, партия фракциялари, ялпи мажлисда) муҳокамаси;
- лойиҳага овоз бериш орқали қонунни қабул қилиш;
- қонуннинг Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиши;
- қонуннинг Президент томонидан имзоланиши, матбуотда эълон қилиниши.

Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунчилик ташаббусини намоён этувчи субъектлар рўйхати Конституцияда мустаҳкамланади. Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Конституцияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар таркиби анча кенгайтирилди. Улар қаторига янги субъектлар киритилиб, тегишли модданинг матни қуйидагича бўлди:

“Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳоқимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Бош прокурори ҳам ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонун-



чилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли.

Қонун лойиҳаларини, қонунчилик таклифларини киритиш ва кўриб чиқиш тартиби қонун билан белгиланади.”<sup>2</sup>

Айни вақтда, мазкур моддани назарий жиҳатдан таъриф ва тавсиф этиш, уни мазмунан янада мукамаллаштиришга йўналтирилган баъзи мулоҳазаларни билдириш ўринли деб ўйлаймиз:

Юқорида таъкидланганидек, тавсифланаётган моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қорақалпоғистон Республикаси (Олий вакиллик органи орқали), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Бош прокурори бу ҳуқуқни парламентнинг қуйи палатасига тайёр қонун лойиҳасини киритиш орқали амалга ошириши белгиланган. Модданинг учинчи қисмида Ўзбекистоннинг юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари, Сенат, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.<sup>3</sup>

Демак, модданинг мазмунидан аён бўлишича, мазкур ҳуқуқнинг объекти: –ҳам “тайёр қонун лойиҳаси”, ҳам “қонунчилик таклифи”. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари икки тоифа тарзида белгиланмоқда. Бунда мазкур ҳуқуқ субъектларининг имкониятларини бир хиллаштириш мантиқан тўғри бўларди. Зотан, депутатлар ҳам қонунчилик таклифини киритиш ҳуқуқига эга бўларди. Чунки, ҳамма депутатлар ҳам қонун лойиҳасини мустақил тайёрлаб, тақдим этишга қодир бўлмаслиги мумкин.

Конституциявий суд, Олий суд ва Бош прокурор фақат ўз ваколати жумласига кирувчи масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширадилар, дейилган. Амалда эса Конституциявий суд барча қонунларнинг Конституцияга мослигини аниқлайди; Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча қонунларнинг аниқ ижросини назорат қилади; Олий суд ва бошқа барча судлар қонунчиликнинг барча соҳа ҳамда тармоқларига оид (иқтисодий, мулкӣ, тадбиркорлик, инвестициялар, маъмурий, фуқаровий, оила ва никоҳ, меҳнат, солиқ ва бож муносабатлари, ер, сув, экология, жиноят ва бошқа) қонунлар нормаларини амалиётга қўллайдилар. Шу боис уларнинг ўз ваколатлари доирасини чегаралаш имконсиз.

Чамаси, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг ҳар икки объектини назарда тутган ҳолда ушбу ҳуқуқ субъектларини тенг талқин этиш маъқул кўринади.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, фуқаролар кўриб чиқилаётган ҳуқуқнинг янги, махсус субъектига айланди. Маълумки, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида кенг иштирок этаётгани қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва ижтимоий асосини оширишга хизмат қилади. Шу боис сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролардан камида юз минг нафардан иборат бўлган фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси сифатида Қонунчилик палатасига қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи тўғрисидаги норма каби янгилик муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши эътиборли албатта, бироқ халқ қонунчилик ташаббусининг ҳақиқий субъекти, қонунлар яратувчисига айланиши учун қонун лойиҳаси ташаббускорлари сонининг миқдорий цензини камайтириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда давлат раҳбарининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони<sup>4</sup>га асосан ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 2 февралдаги 2310-III / ПК-503-сонли қўшма қарори. “Менинг фикрим” Жамоатчилик ташаббусларининг ягона платформаси<sup>5</sup> фаолият кўрсатмоқда, унда овозлар билан қўллаб-қувватланган қонун лойиҳасини киритиш мумкин: камида ўн мингта – парламентга, камида беш минг – маҳаллий вакиллик органига. Фикримизча, бу миқдорий талабда (10 минг нафар фуқарода) тўхташ мумкин, чунки бу қонун ижодкорлик фаолиятида фуқаролик

2 <https://old.lex.uz/docs/6445145>

3 <https://meningkonstitutsiyam.uz/uz.pdf>

4 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон

5 <https://meningfikrim.uz/uz/pages/about>



ташаббусининг намоён бўлишига рағбат беради.<sup>6</sup>

Яна бир мулоҳаза: Асосий қонунинг 95-моддаси 17-бандида Сенатнинг “Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунларни қабул қилишга доир ваколатларини бажариши” назарда тутилган. Бикамерализм (икки палатали парламент) принципи моҳиятига кўра, қуйи палата тарқатиб юборилган вазиятда бир палата, яъни Сенат қонунларни қабул қилиши истисно этилади.<sup>7</sup> Бизнингча, бу назарий жиҳатдан мантиқий ечим бўлиб кўринмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди (Конституциянинг 102-моддаси 1-қисми).

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 99-моддасида қонун ижодкорлиги жараёнига оид қуйидаги қоидалар белгиланган:

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий манбаларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан олтмиш кун ичида кўриб чиқилади ва маъқулланган тақдирда, имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кундан кечиктирмай юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси томонидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни олтмиш кун ичида имзолайди ва эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Яъни, бу ўринда Президент “Veto” ҳуқуқидан фойдаланади, қонунни имзолашни кечиктиради. Унга ўз эътирозларини ёзма равишда илова қилиб, парламентга қайта кўриб чиқиш учун қайтариб юборади.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қабул қилинган қонун бир сутка муддатда “E-hukumat” тизими орқали электрон тарзда эълон қилиниши мумкин. Бунга Адлия вазирлиги масъул этиб белгиланган.

Шундай қилиб, юқорида Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясида парламентнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг янги Конституциявий механизмлари ва тартиблари жорий этилганлигига эътиборни қаратдик. Табиийки, ушбу Конституциявий новеллар қонун ижодкорлиги жараёнининг демократик табиатини кучайтиришга, унга кенг халқ оммасини, фуқароларни янада фаолроқ жалб этишга имкон яратади. Қолаверса, қонун ижодкорлиги жараёни барча субъектларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

#

6 <https://meningfikrim.uz/uz/pages/how-it-works>

7 <https://meningkonstitutsiyam.uz/uz.pdf>



## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада муаллиф томонидан инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси, тарихи ва ривожланиши масаласи илмий тадқиқот ишларининг олиб боришнинг тарихий-мантқиқий, тизимли, анализ усуллари орқали ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье автор попытался с помощью историко-логических, системных и аналитических методов научного исследования раскрыть понятие, историю и развитие защиты прав ребенка, которая является неотъемлемой частью прав человека.

**ABSTRACT.** In this article, the author tried, using historical, logical, systemic and analytical methods of scientific research, to reveal the concept, history and development of the protection of children's rights, which is an integral part of human rights.

**Калит сўзлар:** Бола, давлат, дин, қоидалар, айб, postuma, балоғатга етмаган бола, касал бола, парвариш, ахлоқсиз бола, тарбия, қаровсиз бола ва етим бола.

**Ключевые слова:** Ребенок, государство, религия, postuma, правила, несовершеннолетний ребенок, уход, девиантный ребенок, образование, безнадзорный ребенок, сирота, ребенок, оставшийся без попечения.

**Key words:** Child, state, religion, postuma, rules, minor child, care, deviant child, education, street child, orphan, child without care

Бола ким? деган саволга шу кунгача турлича жавоблар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, кимлардир болага нисбатан биологик жиҳатдан ёндошса, яъни туғилганидан тортиб то балоғатга етгунига қадар вақт нуқтавий назаридан ёндошса, кимлардир ҳуқуқий жиҳатдан ёндошиб, қонун билан белгиланган ёшдан кичик бўлган ва вояга етганидан сўнг эса ўз ҳаракатларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан назорат қила оладиган шахсларни тушунишни илгари суради.

Ўрта асрларда эса эса умумий маънода бола деганда катталарнинг ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар назарда тутилганини, антик даврда эса, болалар катталар билан тенг, аммо ўзлари учун тўлиқ бўлмаган ва кўпинча улар учун зарур бўлган кўникмаларни ҳаётда билиши, ўрганиши зарур бўлган «болалик» биологик давридаги шахс (индивид) сифатида тушунилган.

Америкали тадқиқотчи Т. Kibler ўзининг тадқиқот ишида бу тушунча 1600-йилларгача, Жон Локк каби файласуфлар “мен” тушунчаси ва унинг ривожланишини чуқур ўрганишлари натижалари эълон қилинганда ўзининг «Инсон тушунчаси тўғрисида» асарларида “tabula rasa” - инсон онги туғилишда бўш бўлиб, тажриба орқали шакллантирилиши ҳақидаги назарияни<sup>1</sup> илгари сургинича давом этганлигини таъкидлайди.

Афсуски биз ушбу қарашга қўшила олмаймиз, шунки юқоридаги муаллиф ўзининг қарашларини

миллий тарихи нуқтавий назаридан ёндошганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий жиҳатдан минглаб йилларга эга бўлган ҳар бир халқ ўзининг ўтмишида диний ва ижтимоий жиҳатдан болалар ҳуқуқлари ёки манъфаатлари қайсидир жиҳатдан ҳимояланганлигини диний ва тарихий адабиётлар орқали исботлашган. Масалан, В.Топилдиевнинг таъкидлашича, қадимги Римда агар лотин эр эрта ўлиб кетган бўлса, бироқ бир ёшдаги бола учун Рим фуқаролигини исботлаб берилса, онаси ҳам ўғлининг ишини ҳимоя қила олади ва бундай ҳолда у Рим фуқаролигига эга бўлади, қонуний никоҳда туғилган ўғил postuma сифатида отасининг меросхўри бўлиб қолади, яъни отасининг ўлиmidан кейин туғилган ҳисобланади. Рим фуқаролиги билан бирга отасининг меросини ҳам олиш муҳим ҳисобланган ўғил учун агар, унинг ота-онаси ўлган бўлса ва у вояга етгунга қадар унга улар васийлик қилган бўлса ва ишни олиб борган бўлса, ҳуқуқларини ўзи талаб қилиши мумкин. Бу ерда ўғил ҳақида айтилган фикрлар қиз бола жинсига мансуб бўлган болага нисбатан ҳам кучга эга. Худди шунингдек агар лотин аёли чет эл фуқаросини лотин деб ўйлаб Элий Сенций қонуни бўйича турмушга чиқса, Сенат қарори бўйича бола туғилгандан сўнг хатони исботласа оиласидаги ҳамма Рим фуқароси ҳуқуқини олади ва бола ота ҳукмронлигига ўтади.<sup>2</sup> Бундан кўринадики болаларнинг ҳуқуқлари алоҳида тарзда ҳимояланган, бироқ айрим тадқиқотчилар ушбу фикрга қўшилмайди,

1 T. Kibler. Unpacking the History of American and International Child Rights / History, Human Rights, Law. AUGUST 11, 2020. <https://home.heinonline.org/blog/2020/08/unpacking-the-history-of-american-and-international-child-right>

2 В.Р.Топилдиев. Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалаврияттаълим йўналиши талабалари учун дэрслик / В.Р.Топилдиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Тошкент: Янги аср авлоди. 2013. 260 б. –Б. 240-247.



чунки улар Рим қонунчилигида фақат озод болалар масаласида қисман юқоридаги каби ҳуқуқлар бўлганлигини инкор этмаган ҳолда, қул бўлган болаларнинг ҳуқуқлари тугул хатто уларнинг мавжудлигидан олинмас, ҳуқуқ ва эркинликлар фақат озод кишиларга хос деб ҳисоблангани боис, болалар умуман давлат-ҳуқуқ доирасидан чиқариб ташланган. Улар хатто ўз оталари билан мулоқотда бўлиши рад этилган. Рим юристларининг “Қуллар, жониворлар ва буюмлар”, “Қул ва ҳайвон” каби машҳур мақоллари бундай тенглаштиришнинг расмий ифодаси эди. Эътиборли жиҳати, бу мақоллар қонун кучига эга бўлган машҳур Дигестлардан жой олган эди<sup>3</sup>.

Тарихимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлган “Авесто”да эса болага нисбатан қараш қадимги Римдан фарқли равишда хатто ҳали туғилмаган, она қорнидаги бола фаровонлиги, тинчлиги ҳам дунёга келган бола фаровонлиги, тинчлигига тенглаштирилади, хаттоки туғилмаган ва ҳали дунёга келмаган болаларнинг ҳуқуқларини қатъий муҳофаза этган<sup>4</sup>. Қатъий муҳофаза этиш ғояси ҳали туғилиб улгурмаган болага ҳам тенг равишда тааллуқлидир. Вояга етмаган болаларни ота-онасидан олиб кетиб қолиш, уларни васийликсиз қолдиришга оғир жиноят сифатида қараган. Нафақат туғилган бола, балки она қорнида бўлган болалар ҳуқуқини алоҳида муҳофаза қилиш назарда тутилган. Ҳомиладор аёл ҳомиласини олдириб ташласа ёки жонзотни бошқа йўл билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, айбдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Болаларни гўдаклигиданоқ ўқитиш, илмли қилиш тавсия этилган. “Агар ўғлинг бўлса, - дейилади “Адурбаднинг ўғитлари”да,- уни болалигиданоқ мактабга бер, зотан, билим кўз нуридир”<sup>5</sup>.

Конфуцийлик таълимотини тадқиқ этган Ж.Чадвин ўзининг “Confucian Views of Children and Childhood (Болалар ва болалик ҳақидаги Конфуций қарашлари)” номли асарида ҳудди Римдаги сингари болалар қадимги Хитойда озод ва қулларга бўлинганлигини, хатто озод болаларга ҳам ўз уйларида оталари томонидан қулга қилинган муносабат қилинишини, албатта бунинг барчаси унинг таълим олиши билан боғлиқ эканлиги, ушбу таълимот мантиқан шахсни руҳий ва жиймоний камолатга эришга оид тарбия масалаларига бағишланганини, ҳуқуқ ва

мажбуриятлар қадимги Хитой қонунларига асослашини таъкидлайди.<sup>6</sup>

1975 йилда Хитойда топилган бамбук чизиқларга ёзилган Қин сулоласининг қонунларига кўра (миллоддан аввалги 217 йил ўзидан туғилган болаларни ўлдиришда айбдор бўлган эркаклар девор қурувчи бўлиш орқали жазоланган, аёлларга бундан ҳам оғирроқ ўлим жазоси қўлланилган. Бу қонун талаблари фақатгина соғлом туғилган болаларга нисбатан тадбиқ этилган, Аксинча носоғлом туғилган ва давлатга ва оиласига қийинчилик туғдирувчи болаларни ўлдиришга эса руҳсат берилган, бу ўз навбатида ота ва онанинг ҳуқуқи саналган.<sup>7</sup>

Бола ҳуқуқларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида фикр юритар эканмиз, жамиятнинг ижтимоий ожиз қатлами ҳисобланмиш – болаларга таллуқли ҳуқуқ ва эркинликлар, уларнинг қонуний манфаатлари тарихи, инсон ҳуқуқлари тарихи билан бевосита чамбарчас боғлиқ равишда ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига яна бир бор ғувоҳ бўламиз. Зеро, бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий қисмидир. Инсон ҳаётини, унинг катта киши ёки бола эканлигидан қатъи назар, ўз моҳиятини ташкил этган ҳуқуқ ва эркинликлардан холи тасаввур этиб бўлмаганлиги сабабли, бола ҳам, катталардан кам бўлмаган даражада, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилишига муҳтож бўлиб келган. Шунга қарамай, бола ҳуқуқлари асрлар давомида бундай алоҳида эътирофдан маҳрум бўлиб келган. Унинг яшашга бўлган ҳуқуқлари инсоният тарихида энг қадимий муаммолардан бири бўлиб келган.

Тарихдан болалар ноқонуний туғилган, никоҳсиз туғилган, яширин равишда туғилган, ногирон ёки касал туғилган ёки боланинг отаси ёхуд онаси номаълум, деган важлар билан бундай тоифадаги болаларга нисбатан шавқатсизлик қилинган, болалар таҳқирланган ёки жисмонан йўқ қилиб ҳам юборилган<sup>8</sup>.

Бир ҳолатни алоҳида фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозимки ислом дини ва фикҳ илмида болалар ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича цивилизациялар тарихида жаззахлик фақиҳ Маждуддин ал-Уструшанийнинг 625/1228 йил 28 июлда ёзиб тугатган

3 Bola huquqlari. Yuridik oliy o'quv yurtlari uchun darslik /prof. G'.Abdumajidov tahriri ostida. – T.: TDYul, 2009. -B.21.

4 Ganbarov S.G. йўқитиш ва ҳимоя қилишнинг тарихий асослари. // Азатлик ва эркинлик. 1992. S12-13.

5 Boboyev X., Xasanov S. “Avesto” – ma’naviyatimiz sarchashmasi. –T.: Adolat, 2001. –B.103.

6 <https://www.oxfordbibliographies.com>. LAST MODIFIED: 25 JULY 2023.DOI: 10.1093/OBO/9780199791231-0277

7 Anne Kinney, “Ancient China,” in Children and Youth in History, Item #187,<https://cyh.rrchnm.org/items/show/187> (accessed August 10, 2021). <https://chnm.gmu.edu>.

8 Karimova D. Bola huquqlarining paydo bo'lishi, rivojlanish tarixi va bola huquqlarining ta'rifi. Qonunchilikni takomillashtirish islohotlar kafolati (ilmiy maqolalar to'plami). – T.: O'zMU, Huquqshunoslik fakulteti, El-Press, 2012. -B.296



«Жомий аҳком ас-сиғор» асари мазкур йўналишдаги илк ҳуқуқий манба бўлган дейишимиз мумкин.

Мусулмон оламида Маждуддин ал-Уструшанийдан кейин болалар ҳақ-ҳуқуқларига тааллуқли фикҳий асар деярли ёзилмади. Шу нуқтаи назардан қаралганда алломанинг «Жомий аҳком ас-сиғор» асари болаларнинг ҳуқуқлари хусусида ёзилган деярли ягона фикҳий асар, деб хулоса қилишга ҳақлимиз.

Аммо болаларга тааллуқли ҳадислар тўплами мавжуд бўлиб, у имом Шамсуддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн ал-Қаййим ал-Жавзия (691-751/1292-1350 й.)нинг «Тухфат ал-мавдуд би аҳком ал-мавлуд» асаридир. Бу асар 17 бобдан иборат бўлиб, унда бола сўрашнинг мустаҳаблиги, қиз болалардан ғазабланишнинг макруҳлиги, фарзанд хушхабарини етказиш, чақалоқ қулоғига азон ва иқомат айтиш, боланинг танглайини кўтариш, ақиқа ва унинг ҳукмлари ва у ҳақидаги ихтилофлар, бола сочини олиш ва соч оғирлигича садақа бериш, исм қўйиш вақти ва мажбурийлиги, болани хатна қилиш ва унинг ҳукмлари, қулоқ тешиш ҳукми, болаларнинг овқат ейиш одоблари, эмизикли боланинг сўлагига доир ҳукмлар, болаларни ўпиш, уларга одоб ва илм бериш, болаларни тарбиялашдаги бошқа фойдали масалаларни ўз ичига олган мухтасар асардир.<sup>9</sup>

Ислом динининг манбаи бўлмиш муққаддас Қуръони Каримда ислом ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид шундай нормалар белгиланганки, айни вақтда ҳам инсоният ушбу қоидаларнинг барча замон ва даврларда муҳимлигини ва зарурлигини тан олмоқда. Жумладан, меҳнатга лаёқатсиз барча кишилар, беморлар, ёш болалар, ногиронлар, қариялар, аёллар, ишсизлар ва қўлидан келса ва бунга тайёр бўлса ҳам тирикчилик учун пул топа олмайдиغانлар, шунингдек, оиласини боқиш учун етарли маблағи бўлмаганлар жамият бойлигидан ва Аллоҳ ишлаб пул топиш имконини берган кишилардан ўз улушини олиши керак. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: "(Эй инсонлар!) Аллоҳга ва унинг пайғамбари (Муҳаммад)га имон келтирингиз ҳамда У сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (бойликларингиздан) эҳсон қилингиз! Бас, сизлардан имон келтирган ва эҳсон қилган зотлар учун катта мукофот бордир" (Ҳадид сураси 7- оят).<sup>10</sup>

Ислом ҳуқуқига мувофиқ болаларга васийлик масаласига алоҳида эътибор берилган. Кичик ёшли

болалар устидан васийлик қилиш масаласи биринчи навбатда бола манфаатлари устуворлиги нуқтаи назаридан ҳал қилиниши эътиборга молик. Онаси вафот этган болага нисбатан хизанат ўрнатиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам худди шу манфаатларни кўзлаб тартибга солинади. Бунда она томонидан буви имтиёзга эга ҳисобланади. Ота томони бувисининг хизанат ҳуқуқи фақат она томонидан буви вафот этганидагина эътироф этилади.

Она томонидан бўлган буви инсонпарварлик қарашларига асосланиб танланган дейиш мумкин. Бунда ана шу буви "ўз авлодларига бошқа қариндошларга нисбатан кўпроқ ғамхўрлик қилади" деб ҳисобланилади<sup>11</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки норматив ҳужжатлар тўғрисида фикр юритилганда, одатда Англиядаги 1215-йилда қабул қилинган "Еркинликларнинг буюк хартияси" билан бошланган Уйғониш даври кўрсатилади. Албатта, шартли равишда мазкур даврдан бошлаб одатда, инсон ҳуқуқлари масаласини норматив шаклда шакллана бошлади, десак адашмасак керак. Чунки, инсоннинг "олий қадрият" сифатида эътироф этилиши айнан шу даврга бориб тақалади. Илк демократик инқилоблар босқичида Европа минтақасида тараққий эта бошлаган инсон ҳуқуқлари ғояси табиий-ҳуқуқ назариясида алоҳида ўз ифодасини топди. Инсон тафаккури тарихида илк маротаба инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг келиб чиқиш табиати ҳақидаги масала ўрин олди. Ушбу илмий йўналиш вакиллари масалани ҳал этишга унинг табиий, яъни ташқаридан ҳеч бир аралашувсиз вужудга келиши нуқтаи назаридан ёндашадилар. Мазкур ёндашувга кўра инсон туғма ҳуқуқларга давлат жамияти ташкил топишидан анча аввал эга бўлган. Фақатгина жамиятга бирлашиш натижасида инсонлар ўз ҳуқуқ ва ҳаётий манфаатларини ҳимоя воситаси сифатида давлатни тузадилар. Ушбу назариянинг моҳияти шундаки, у бир томондан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг табиий вужудга келиши ғоясини асослаб берди<sup>12</sup>.

Бола ҳуқуқлари масаласини ривожланиши тўғрисида фикр юритар эканмиз, албатта бола ҳуқуқларига оид ғоя ва қарашлар ўз навбатида ривожланиб, норматив тус ола бошлади. Бу эса, бу соҳага оид махсус ҳуқуқий нормалар вужудга келаётганлигини кўрсатиб берди. Бу борадаги дастлабки, нормалардан бирисифатида 312 йилда Император Кон-

9 М.Атаев. Исломда болалар ҳуқуқлари мажмуаси. muslim.uz - Июль 19, 2017 йил. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/3445-islomda-bolalar-u-u-lari-mazhmuasi>

10 Шайх Абдулазиз Мансур "Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири" – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 538-Б.

11 Bola huquqlari. Yuridik oliy o'quv yurtlari uchun darslik /prof. G'.Abdumajidov tahriri ostida. – Т.: TDYul, 2009. -B.23-24

12 - Bola huquqlari. Yuridik oliy o'quv yurtlari uchun darslik /prof. G'.Abdumajidov tahriri ostida. –Т.: TDYul, 2009. -B.30.

стантин болани ўлдириб юбориш ва ташлаб юборишнинг олдини олишга қаратилган қонунни қабул қилганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Айтиб ўтиш лозимки, Констанция II (337–361) хукмронлик даврида Византияда Орфанотроф (др.-грек. *óρφανотρόφος* «етимларни боқувчиси») – лавозими жорий этилган. Император Лев I нинг 469 йилги қонунда айтилишича, у биринчи бўлиб орфанотроф унвонига сазовор бўлган. Юстинианнинг қисқа ҳикояларида кўпинча етимлар ва болалар уйлари ҳақида сўз бориб, етимлар учун ажратилган бошпаналарга мулк қилиб берилган мулкларни бошқа хайрия ташкилотларига мулк қилиб бериш қонун билан таъқиқланган.<sup>13</sup> Мазкур ишлар натижаси ўлароқ 716-йилда эса Милан шаҳрида ташлаб кетилган болаларни боқиб олишга мўлжалланган Болалар уйи ташкил этилган<sup>14</sup>.

Россияда Ярослава Мудрий даврида Новгородда биринчи етим ўғил болалар учун мактаблар ташкил этилган бўлса, Ивана IV Грозний эса бутун руссия патриархига алоҳида тарзда етим болаларга ғамхўрлик қилишга оид маърузалар қилиш ва уларни ҳимоялашга оид топшириқ берган.<sup>15</sup>

Бутун Рус Императори Алексей Романов (1645-1676-йиллар) даврдан бошлаб то XIX асрнинг охиригача болаларнинг ҳуқуқларига нисбатан қонун доирасида қарашга ўтилди. Масалан, 1649-йилда қабул қилинган Тузуқлар (Уложения) боланинг туғилиши, никоҳсиз туғилган болага нисбатан муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Россия тарихидаги биринчи юридик ҳужжат ҳисобланган.<sup>16</sup>

Бола ҳуқуқларининг норматив шаклда ривожланишининг яна бир шакли, бу болаларга оид махсус халқаро нормаларни шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир.

Жумладан, бола ҳуқуқларига оид махсус дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжат, Миллатлар Лигаси томонидан, 1924-йил 24-сентябрда Женева декларацияси қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси Болаларни қутқариш халқаро иттифоқи (Ташкилот асосчиси Эглантин Джеб) томонидан илгари сурилган эди. Мазкур ҳужжат 5 та асосий принципдан ташкил то-

пган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

Биринчи принцип – бола яхши ривожланиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий имконият яратиб бериш лозим;

Иккинчи принцип – оч бола овқатлантирилиши, касал бола парвариш қилиниши, ахлоқсиз бола тарбияланиши, қаровсиз бола ва етим болага яшаши учун бошпана берилиши лозим;

Учинчи принцип – ҳалокат (фалокат) пайтида болага биринчи ёрдам

кўрсатилиши лозим;

Тўртинчи принцип – болага мавжуд бўлиши учун восита топишига имконият яратиб берилиши ва у барча шаклдаги эксплуатациядан ҳимоя қилиниши лозим;

Бешинчи принцип – бола, келажак авлод учун унинг яхши сифатлари фойдали бўлади, деган онгда тарбияланиши лозим<sup>17</sup>.

XX асрда қабул қилинган дастлабки ҳужжатлар тўғрисидаги фикр юритилганда, 1921-йилги Халқаро аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенсияни, 1933-йилги, Вояга етмаган қизлар савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенсияни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Шунингдек, мазкур конвенсияларга 1947-йилда БМТ томонидан қўшима Протокол қабул қилинди. Протокол ва конвенсияларда давлатларнинг аёлларни фоҳишалikka жалб қиладиган ва аёллар ва болалар савдоси билан шуғулланадиган одамларга нисбатан жиноий жазо тайинлаши ҳамда бу жиноятлар билан профессионал даражада шуғулланувчи жиноятчилар ҳақида бир-бирларига ҳабар беришлари эътироф этилган<sup>18</sup>.

Инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, бола ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичи – Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ҳисобланади, чунки урушнинг оғир оқибатларидан бири, қариялар, аёллар билан бир қаторда, жамиятнинг яна бир ожиз қатлами ҳисобланган болаларнинг оғир қисмати ҳисобланади.

1945-йили БМТ ташкил топиши билан инсон ҳуқуқларининг универсаллашув жараёни бошланди. Шу даврдан инсон ҳуқуқларига халқаро муаммо сифатида қарала бошланди. Бу эса инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва поймол этилиши давлатнинг

13 Guillard, R. Étude sur l'histoire administrative de l'empire byzantin. L'orphantrophe : [фп.] // Revue des études byzantines. – 1965. – Vol. 23. – P. 205–221. – doi:10.3406/rebyz.1965.1348

14 Karimova D. Bola huquqlarining paydo bo'lishi, rivojlanish tarixi va bola huquqlarining ta'rifi. Qonunchilikni takomillashtirish islohotlar kafolati (ilmiy maqolalar to'plami). -T.: O'zMUU, Huquqshunoslik fakulteti, El-Press, 2012. -B.296

15 Кудин В.А., Гутман М.Ю. Профилактика безнадзорности и преступности несовершеннолетних / Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России № 4 (72) 2016.

16 И.А.Исаев. История государства и права России: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – 797 с. –С. 114.

17 <https://www.humanium.org/en/text-2/>.

18 Raxmonov B. Maxmudov F. Bola huquqlarini himoya qilishning xalqaro-huquqiy asoslari. -T.: CHASHMA PRINT, 2011. -B.14



ички муаммоси бўлиб қолмаслигини англатарди. У эндиликда ўз универсаллиги туфайли инсон ҳуқуқларининг қўпол ва тизимли тарзда бузилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг БМТ каби халқаро механизмлар томонидан кўриб чиқилиши объектига айланди. Ушбу босқичда инсон ҳуқуқларига оид халқаро меъёрий ҳужжатлар яратилиши билангина чекланмай, балки уларга риоя қилиниши ҳамда амалга оширилиши устидан назорат қилишнинг халқаро механизмларини яратишга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

1986-йил 3-декабр куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан, 41/85 Резолюцияси билан “Бола-лар ҳимояси ва хотиржамлиги, асосан халқрао ва миллий даражадаги болаларни тарбиялашга ва асраб олишга тааллуқли сиёсий ва ҳуқуқий принциплар тўғрисида”ги Декларация қабул қилинди. Мазкур Декларация бола ҳуқуқлари бўйича халқаро кодификацияси ҳисобланмиш “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг ғоявий асосларидан бири бўлди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 34-сессиясида иштирок этган давлатлар орасида Полша делегатсияси 1959-йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация асосида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ягона Конвенция қабул қилиш ташаббуси билан чиқди ва Конвенция лойиҳасини тақдим қилди.

Конвенцияни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад бола ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлашда давлатлар зиммасига юридик мажбурият юклашдан иборат эди. Конвенция лойиҳаси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилди ва қабул қилинди<sup>19</sup>. Аммо, бу лойиҳа БМТ аъзолари орасида анчагина тортишувларга сабаб бўлди<sup>19</sup>. Натижада, қарама-қаршиликларни барта-раф этиш ва Конвенция лойиҳасини янада мукамаллаштириш учун БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан махсус ишчи гуруҳ тузиш таклифи билдирилди. 1979-йил юрист, врач, педагог, психолог, социолог ва маданиятшунос каби соҳа мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳ лойиҳа устида иш бошлади.

1981 ва 1988-йиллар орасида махсус ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси йиғилиши олдидан Конвенция лойиҳасига бағишланган бир ҳафталик йиғилиш ўтказилиб турилди. Унда “манфаатдор ҳукуматлар”, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ва халқа-

ро ноҳукумат ташкилотлар томонидан Конвенция матни борасида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳар томонлама ўрганилиб, муҳокама қилиниб борилди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25 Резолюцияси билан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинди ва 1990-йил 26-январдан уни имзолаш бошланди. Конвенция 20 та давлат ҳукуматлари томонидан имзоланганидан сўнг, 1990-йил 2-сентябрдан кучга кирди. Қисқа вақт ичида кўп мамлакатлар томонидан ушбу ҳужжат имзоланди ва ратификация қилинди. Конвенцияга аъзо бўлган давлатлар сони 1990-йил охирларида 57, 1992-йил охирларида 117 та бўлди, 1994-йилда 167, 1995-йилга келиб 174тага етди. Ҳозирги кунга келиб, 140 давлат мазкур ҳужжатни ратификация қилган, 193 та давлат эса, иштирокчи давлатга айланган. Конвенцияга БМТга аъзо-давлатлардан фақатгина АҚШ (имзолаган, лекин ратификация қилмаган) ва Сомали (имзоламаган ҳам, ратификация қилмаган ҳам) аъзо эмас. Конвенция тарихга инсон ҳуқуқлари соҳасида энг кўп мамлакатлар томонидан ратификация қилинган ҳужжат сифатида кирган<sup>20</sup>.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганидан бери дунёда болалар аҳволига оид кўп нарса ижобий тарафга ўзгарди. Ушбу ўзгаришлар, болаларни меҳнатнинг хавфли кўринишларидан озод қилинишига, уларнинг мактабда таълим олишга кенг кўламда жалб этилишига, тиббиёт хизматларининг Ненгайтирилишига, режали равишда иммунлаштириш каби қатор чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ жараён Конвенция ва унинг протоколлари билан тўхтаб қолгани йўқ.

Айниқса, боланинг одил судловга бўлган ҳуқуқи, бу йўналишда алоҳида қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан ривожлантирилди. Қуйидаги ҳужжатлар бу йўналишдаги асосий ҳужжатлар ҳисобланади: 1985-йил 29-ноябрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”); 1990-йил 1-декабрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (“Ар-Риёд дастурий принциплари”); 1990-йил 14-декабрда қабул қилинган Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етма-

19 Batafsil ma'lumotlar uchun qarang: Raxmonov B. Maxmudov F. Bola huquqlarini himoya qilishning xalqarohuquqiy asoslari. –T.: CHASHMA PRINT, 2011. –B.16

20 Bolalarni himoya qilish. Parlamnt a'zolari uchun qo'llanma. –T.: YUNISEF, Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2006. –B.16

ган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари; 1990-йил 14-декабрда қабул қилинган Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (“Токио қоидалари”), 2005-йил 22-июлда қабул қилинган Жабрланган ва жиноят гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ бўлган одил судловга оид БМТнинг Раҳбарий қоидалари. Бу ҳужжатлар бошқача тил билан айтганда ювенал адлия ҳужжатлари сифатида ҳам эътироф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш хулоса сифатида мумкинки бола ҳуқуқлари тушунчаси замонавий қарашларга кўра кенг қамровли бўлиб, бу ҳар бир боланинг тинч осуда ҳаёт кечириши, соғлом муҳитда тарбия олиши, ўз ота-онаси билан бирга бўлиш, таълим ва соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиш, руҳий ва жисмоний зўравонликдан ҳимояланиш ҳамда ўз ҳуқуқларини амалга оширилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқдир.

Бола ҳуқуқларини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчи босқич, бунда кишилиқ жамиятининг вужудга келишидан тортиб то биринчи қонунлар яратилган вақтгача бўлган давр;

Иккинчи босқич, бу биринчи қонунлар яратилган даврдан тортиб то ўрта асрларгача бўлган даврлар;

Учинчи босқич, ўрта асрлардан токи илк халқаро конвенциялар ва низомлар қабул қилинган давргача бўлган даврлар;

Тўртинчи босқич, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги конвенция қабул қилингунидан то шу кунгача бўлган давр.

Шунингдек бола ҳуқуқларининг шаклланишига туртки бўлган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

-қабила-уруғ жамосининг шаклланиши натижасида ҳар бир аъзонинг манфаатлари вужудга келиш баробарида унинг болаларининг ҳақ-ҳуқуқлари масаласининг пайдо бўлганлиги;

-мулкий муносабатларнинг ривожланиши натижасида мерос, мол-мулкка эгалик қилишга бўлган эҳтиёж;

-диний қарашлар ва уларда болалар ва аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг акс этиши;

-Ўрта асрларда мулкдорлар синфининг шаклланиши ва давлат бошқарувида ҳукмдорларнинг бошқарув услубларининг вужудга келиши (қонунлар, қоидалар ва тартибларда акс этиши);

- ўтган аср бошларида болалар ҳуқуқлари масаласига янгича ёндашувларнинг вужудга келиши, яъни уларга том маънода инсониятнинг келажаги сифатида баҳо бериш.

#



Муроджон ТУРГУНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ  
институтининг директори, ю.ф.д., доцент

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА

**АННОТАЦИЯ.** Жамиятдаги келишув натижасида Абу Наср Форобий фикрича, давлат раҳбари ва унинг ворислари ўрнатадиган қонунлар билан мустаҳкамланувчи муайян тартиблар, ҳуқуқ-атвор қоидалари юзага келади. Давлат Абу Наср Форобий асарларида «шаҳар бирлашмаси» термини орқали ифодаланган. Абу Наср Форобий давлат («шаҳар бирлашмаси») ни инсонларга хос табиий ва иродавий хусусиятларнинг оқибати деб қарайди. давлатнинг пайдо бўлишини илоҳий ирода билан эмас, балки инсоннинг яшаш шароити, унинг хоҳиш-иродаси билан боғлаган. У давлат одамларнинг туғма ахлоқий тенгсизлиги асосида пайдо бўлишини инкор этган. Унинг фикрича, давлатнинг пайдо бўлишида мулкий тенгсизлик катта аҳамият касб этади. Шу боис бошқа афзалликларидан ташқари мулкий қудратга эга бўлган шахсгина ҳоким бўлади.

**АННОТАЦИЯ.** Абу Наср Фараби считает, что в результате общественного соглашения возникают определенные процедуры, правила поведения, которые подкрепляются законами, установленными главой государства и его преемниками. Государство было выражено через термин «городское объединение» в работах Абу Насра Фараби. Абу Наср рассматривает фарерское государство («союз городов») как следствие природных и волевых характеристик, присущих людям. Возникновение государства было связано не с Божественной волей, а с условиями жизни человека, его волеизъявлением. Он отрицал, что государство возникло на основе врожденного морального неравенства людей. По его мнению, имущественное неравенство имеет огромное значение в возникновении государства. Поэтому губернатором, в дополнение к другим его преимуществам, будет только человек, обладающий имущественной властью.

**ABSTRACT.** Abu Nasr Farabi believes that as a result of social agreement, certain procedures and rules of conduct arise, which are supported by laws established by the head of state and his successors. The state was expressed through the term "urban association" in the works of Abu Nasr Farabi. Abu Nasr considers the Faroese State ("union of cities") as a consequence of the natural and volitional characteristics inherent in humans. The emergence of the state was not connected with the Divine will, but with the conditions of human life, his will. He denied that the state arose on the basis of innate moral inequality of people. In his opinion, property inequality is of great importance in the emergence of the state. Therefore, the governor, in addition to his other advantages, will only be a person with property power.

**Калитли сўзлар:** Абу Наср Форобий, давлат, шаҳар бирлашмаси, давлат раҳбари, мулкий тенгсизлик, ахлоқ қоидалари.

**Ключевые слова:** Абу Наср Фараби, государство, городской союз, глава государства, имущественное неравенство, правила этики.

**Key words:** Abu Nasr Farabi, state, city union, head of state, property inequality, rules of ethics.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, алоҳида индивидларга хос бўлган хилма-хил ахлоқий хислатлар, қобилиятлар, феъл-атворлар бўлишига, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасида манфаатлар зиддияти мавжудлигига қарамай, одамлар зарурат туфайли, ўзларининг ихтиёрлари ва истакларига қатъи назар, биргаликда яшайдилар ва жамиятни ташкил этадилар.

Ҳар бир жамият аъзолари, аҳолисининг сонидан ва эгаллаб турган ҳудудининг катта-кичиклигидан қатъи назар, уларнинг ахлоқий хислатларини белгиловчи ўз машғулотларига мос равишда муайян ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган турли индивидлар бўлганлиги, шу боис жамиятнинг ўзи заруран ана шу хилма-хил индивидлар ва гуруҳлардан ташкил топганлиги туфайли уларнинг ана шу субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва алоқаларни тартибга солувчи муайян тартиб ва тизим ўрнатишлари талаб этилади.

Қисқача айтганда, одамларга турли хил ҳуқуқ-атвор, қобилият хос бўлганлиги сабабли бир-бирларидан фарқ қиладилар, уларни турли хил аффектлар тўлқинлантиради. Бу ҳолатда улар бир-бирларидан

нафратланишлари ва бир-бирларига ортиқча юк бўлишлари мумкин. Бирок, кўпинча кузатилганидек, одамлар бир-бирларидан нафратланган тақдирда ҳам ёлғиз яшай олмайдилар, зеро юқорида айтилганидек, улар ҳамкорликдаги жамоавий фаолият туфайлигина яшай оладилар. Одамлар ақлга суяниб яшашларига халақит берувчи аффектларга мойил бўлганликлари ва айни пайтда ўзаро ёрдамга муҳтожликларидан улар ўртасида келишув зарурлиги келиб чиқади. Ана шундай келишув натижасида Абу Наср Форобий фикрича, давлат раҳбари ва унинг ворислари ўрнатадиган қонунлар билан мустаҳкамланувчи муайян тартиблар, ҳуқуқ-атвор қоидалари юзага келади.

Афтидан, ана шундай мулоҳазалар Абу Наср Форобийни муайян жамият доирасида турли шаҳарлар (ижтимоий гуруҳлар ва табақалар)нинг бирлашмасидан иборат бўлган «шаҳар бирлашмаси» (бизнинг терминология бўйича — давлат) юзага келган, деган хулосага олиб келган.

Бу ҳолатда давлат ўзаро шартномага асосланганлиги тўғрисидаги тасаввур илк бор учрайдиган қадимги юнон файласуфи Эпикурнинг, шунингдек,

давлатнинг келиб чиқиш сабабини ахлоқ қоидаларидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилган ҳамда инсонларнинг ақлга суяниб яшашларига халақит берадиган феъллари ва аффектларининг хилма-хиллигига қарамай уларнинг ҳаммалари бирга яшашлари ҳақида хулоса қилган Спиноза (1633 – 1677)нинг интилишларини эслатади. Тажриба одамларга ўзаро ёрдам туфайли улар ўз эҳтиёжларини анча осон қондиришлари ва ҳар томондан таҳдид солувчи хавф-хатардан йироқ бўлишлари мумкинлигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>. Спиноза бундан «одамлар келишув натижасида ўзларининг табиий ҳуқуқларидан ҳокимият билан мустаҳкамланган қонунлар фойдасига воз кечадилар»<sup>2</sup>, – деган хулосага келади. Умуман олганда, Европада яшаб фаолият кўрсатган файласуф ва давлатшунос олимлар Н.Макиавелли, Реформация даври таълимотлари, Монтескьё, Руссо, Вольтер, Данте ва бошқаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари у ёки бу даражада Абу Наср Форобий таълимоти асосида шаклланган.

Абу Наср Форобийнинг шаҳар бирлашмалари юзага келишининг сабабларига доир таълимоти мазкур олимларнинг қарашларидан муайян даражада фарқ қилади. Аллома шаҳар бирлашмасининг пайдо бўлиш сабабини тушунтирганда, нафақат ўзининг этикасидан, балки, биз юқорида кўрганимиздек, жамиятда қарама-қарши манфаатларга эга бўлган турли ижтимоий гуруҳлар ва табақалар мавжудлигидан ҳам келиб чиққан. Ваҳоланки, Абу Наср Форобий улар тўғрисида жуда ноаниқ ва содда тасаввурга эга бўлган. Ана шу масалага батафсилроқ тўхталамиз.

Агар айрим индивидларнинг биргаликдаги фаолиятини белгиловчи ва бу билан уларнинг биргаликдаги ҳаёти ва турли жамиятлар яратилишининг сабаблари бўлиб хизмат қиладиган моддий ва маънавий эҳтиёжлари Абу Наср Форобий таълимотида одамларнинг турли гуруҳлар доирасида бир-бирлари билан яқинлашишлари учун асос бўлиб хизмат қилса, давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги муҳим масалани кўриб чиқиш вақтида бунини тўғри маънода таъкидлаш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш зарурки, Абу Наср Форобийнинг асарларида давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида бевосита айтилган фикрларни учратмаймиз. Бунинг устига, олимнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини акс эттирувчи асарларда ҳам «давлат» термини учрамайди. Давлат Абу Наср Форобий асарларида «шаҳар бирлашмаси» термини орқали

ифодаланган.

Бунинг ўзига яраша сабаблари мавжуд. Биринчидан, ўша даврда ижод қилган мусулмон Шарқи алломалари «давлат», «сиёсат», «ҳокимият» тушунчалари ўртасида аниқ чегаралар ўтказмаганлар. Шунинг учун ҳам Абу Наср Форобий асарларида аниқ ишланмалар ва хулосаларни кўрмаймиз. Абу Наср Форобий ўз асарларида қараб чиққан жамиятлар бир-бирларидан алоҳида-алоҳида яшайдиган индивидларнинг йиғиндиси сифатида эмас, балки уларнинг узвий бирлиги сифатида тасвирланади.

Иккинчидан, Абу Наср Форобийнинг фикрича, ҳар бир аъзоси ўзига хос махсус вазифаларга эга бўлган ва уларни бажаришда ягона марказ - юракка бўйсунадиган инсон танаси сингари турли хил фойдали ишлар билан шуғулланадиган, хилма-хил феъл-атворга ва қобилиятга эга бўлган кўплаб аъзолари бўлган шаҳар, ўз навбатида, ягона раҳбарга, яъни шаҳар ҳокимига эҳтиёж сезади. Турли хил ижтимоий табақалар ва индивидлар ягона ҳоким раҳбарлигида ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида бирлашадилар, айна пайтда бирлашув ушбу шаҳар ҳокимининг бошқарув қобилияти, билимлари туфайли юз беради.

Мазкур шаҳар ҳокими, - деб ёзади Абу Наср Форобий, - «ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак»<sup>3</sup> ва биринчи навбатда шаҳар бирлашмаси мавжуд бўлиши учун хизмат қилиши керак. Шу боис, юқорида айтганимиздек, шаҳар бирлашмаси юзага келиши учун объектив сабаблар мавжуд бўлса ҳам, «шаҳар бирлашмаси»нинг пайдо бўлишини Абу Наср Форобий мадина (яъни шаҳар) ҳокимининг иродаси ва ташкилотчилик қобилияти билан боғлайди. Шаҳар бошлиғи ўзаро ёрдамни ташкил этиш орқали бирлашманинг барча аъзоларини алоҳида-алоҳида ва бутун аҳолини биргаликда ҳақиқий бахтга эриштириш учун интилади.

Абу Наср Форобий бошқарувнинг ташкил этилиши ҳамда уни амалга ошириш борасида ҳам излашлар ўтказган. У айниқса олий ҳокимият ривожланишига катта эътибор берган. Ҳозирги даврда ҳам мазкур ҳокимиятнинг ривожланишига Ўзбекистонда ниҳоятда муҳим эътибор берилмоқда, чунончи Ватанимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг одилонга таъкидлашларича: “Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этил-

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда//Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз.6-жилд.[Матн]/Ш.Мирзиёев.-Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2023.-Б.49.

2 Спиноза Б. Краткий трактат о бoге, человеке и его счастье // Избр. произв. В 2-т. Т. 1. Госполитиздат. М., 1957. С. 124.

3 Шишкин А. Ф. Из истории этических учений. С. 118.



ди. Тарихан қисқа муддатда мамлакат Конституцияси – Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, Абу Наср Форобийнинг мазкур фикрларидан шундай хулоса келиб чиқади: одамлар, биринчидан, барча жамиятларда ғуж бўлиб яшаганликлари, иккинчидан, махсус ижтимоий-хўжалик вазифаларини заруран бажариб, турли хил ахлоқий хислатларга ва қобилиятга эга бўлиб, қатъий белгиланган тартиб ўрнатилишига эҳтиёж сезганликлари туфайли «шаҳар бирлашмасини» (давлатни) тузадилар. Шу боис, «шаҳар бирлашмаси» муайян ҳудуддаги аҳоли устида турувчи орган сифатида одамлар ўртасидаги ижтимоий ва хўжалик алоқаларини мувофиқдаштиради, ушбу шаҳар фуқароларининг ўзларини тутиш тартибини белгилайди ва ўзининг ягона ҳокими (раиси) бошчилигида фуқароларнинг белгиланган бахтга эришиш мақсадида ўзаро алоқаси ва ёрдамни ташкил этишга ҳаракат қилади.

Абу Наср Форобий давлат («шаҳар бирлашмаси») ни инсонларга хос табиий ва иродавий хусусиятларнинг оқибати деб қарайди, чунки унинг фикрича, одамлар бошқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ ҳокимият ва ҳукуматнинг ўрнатилишига эҳтиёж сезадилар.

Абу Наср Форобийнинг шаҳар-давлати – мулоқотнинг энг сермазмун шакли бўлиб, одамлар шундагина ўзларига мос турмуш тарзига эга бўладилар.

Абу Наср Форобийнинг қарашлари қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг сиёсий таълимотига яқин. Афлотун ўзининг «Давлат» асарида ёзишича, давлат инсоннинг ўзи учун етарли эмаслигидан юзага келади. Шу боис ҳар бир бўлинмас тизим бошқасининг ёрдамига муҳтож. Демак, аввало, инсонга унинг яшаши учун нима кераклигини билиш зарур. Ҳаёт учун, биринчидан, озик-овқат зарур, чунки усиз мавжуд бўлиш мумкин эмас; сўнгра танани совуқ ва жазирамадан асраш учун турар жой ва кийим-кечак керак; бундан ташқари, тан эҳтиёжларини қондириш учун кўпгина бошқа нарсалар ҳам талаб этилади. Шу боис давлатга инсон учун жуда зарур нарса сифатида қараладиган бўлса, у зироатчилар, дурадгорлар, тўқимачилар, косиблар ҳамда

машғулоти ва санъати фуқароларнинг ҳаётини таъминлаши керак бўлган кўплаб бошқа усталардан иборат бўлиши керак. Бундай усталарнинг барчаси ҳар бири ўзининг машғулоти билан бир-бирларига ёрдам бериш учун ўз ишини қилади; уларнинг ана шу ишларининг ўзида адолат ва адолатсизликнинг бошланишини сезиш мумкин бўлади<sup>5</sup>.

Аммо Абу Наср Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари Афлотуннинг ҳамда унинг шогирди бўлган Арастунинг фикрлари билан тўла мос келмайди. Уларнинг таълимотлари ўртасидаги фарқ шундаки, Афлотун «давлат» тушунчасини «жамият» тушунчаси билан айнан бир нарса деб қарайди, Абу Наср Форобий эса бу тушунчаларни турлича таърифлайди.

Абу Наср Форобий шаҳар бирлашмасининг юзага келишида иродавий жиҳатларнинг муҳимлигини таъкидлар экан, ўзининг тарихий ҳодиса бўлмиш давлат ҳақидаги фикрларидан келиб чикувчи хулосасини яна бир бор тасдиқдайди. Ахир руҳий ҳодиса бўлмиш ирода инсонда у ҳайвонот оламидан ажралиб чиққани ҳамон пайдо бўлмаган, у инсоннинг ривожланиши жараёнида шаклланган. Бунинг устига, инсонинг давлат ташкилотини яратиш йўналишидаги иродаси фақат вақти келиб, муайян моддий асос бўлгандагина юзага келиши мумкин эди. Абу Наср Форобий фикрича, қолган вақтларда жамиятда яшовчи инсоннинг иродаси бошқа объектларга, масалан, биргаликда қабила бўлиб яшаш ва бошқаларга йўналтирилган, лекин шаҳар бирлашмасини (давлатни) ташкил этишга эмас.

Шундай қилиб, алломанинг фикрича, жамиятнинг мавжудлиги давлатнинг мавжудлигига қараганда нисбатан қадимдир. Бундан ташқари, Абу Наср Форобий иродавий фактлар ҳақида гапирганда, давлатнинг пайдо бўлишини илоҳий ирода билан эмас, балки инсоннинг яшаш шароити, унинг хоҳиш-иродаси билан боғлаган ва бу билан шаҳар бирлашмасининг абадийлиги ва ўзгармаслиги ғоясини шубҳа остига олган.

Абу Наср Форобийнинг фозил шаҳар бирлашмасини кузатадиган бўлсак, ушбу сиёсий ташкилотнинг ўзгариши тўғрисидаги ғоя аниқроқ ва тушунарлироқ бўлиб боради. Ўрта Осиё мутафаккирининг бу ғоялари Платон илгари сурган давлатнинг илоҳий хусусияти ҳамда унинг абадийлиги ва ўзгармаслиги тўғрисидаги концепциянинг бевосита инкор этилидир. Ваҳоланки, Абу Наср Форобий барча табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг «бирламчи сабаби» сифатида худони тан олган ва бу билан ушбу эътирофни давлатга ҳам билвосита татбиқ этган.

Абу Наср Форобийнинг шаҳар бирлашмаси юза-

4 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 159-б.

5 Джахид А. М. Абу Наср Аль-Фараби о государстве. Душанбе, 1966. С. 61

га келишида иродавий майл (мотив)ларнинг ўрни тўғрисидаги фикри, айтиш мумкинки, маълум даражада кейинчалик давлат пайдо бўлишининг шартнома назариясини ишлаб чиққан Руссодан ҳам аввал айтилган эди. Аммо, шунга қарамай, Абу Наср Форобийнинг ушбу масаладаги ғоялари идеалистик хусусиятга эга, чунки давлат одамларнинг ўз ихтиёрларини билдиришлари натижасида юзага келмайди ва юзага келмаган.

Абу Наср Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти билан боғлиқ ушбу масалаларни муҳокама қилиш бизни мутафакирнинг назарияси билан ундан аввал ўтган ва унга замондош бўлган олимларнинг назариялари ўртасида муайян алоқадорлик бўлган ва бу алоқадорлик ундан кейин ўтган бир қатор мутафакирларга муайян таъсир кўрсатган, деган ягона хулосага олиб келади. Абу Наср Форобийнинг сермазмун таълимоти асосида Ўрта Осиё мутафакирлари, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг дунёқараши ҳам шаклланган<sup>6</sup>.

Абу Наср Форобий давлатни инсонларга хос табиий ва иродавий хусусиятларнинг оқибати деб қарайди, чунки унинг фикрича, одамлар бошқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ҳокимият ва ҳукуматнинг ўрнатилишига эҳтиёж сезадилар. Мутафакирнинг шаҳар-давлати мулоқотнинг энг сермазмун шакли бўлиб, одамлар шундагина ўзларига мос турмуш тарзига эга бўладилар.

Алломанинг фикрича, давлат жамиятдан кейин келиб чиққан. Давлатнинг пайдо бўлиши илоҳий ирода билан эмас, балки инсоннинг яшаш шароити, унинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ.

Бошқалардан фарқли ўлароқ, Абу Наср Форобий давлат одамларнинг туғма ахлоқий тенгсизлиги асосида пайдо бўлишини инкор этган. Унинг фикрича, давлатнинг пайдо бўлишида мулкий тенгсизлик катта аҳамият касб этади. Шу боис бошқа афзалликларидан ташқари мулкий қудратга эга бўлган шахсгина ҳоким бўлади деган ғояни илгари сурган.

#



Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
факультет бошлиғи PhD., доцент

## МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БАНК КАФОЛАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада мажбуриятларнинг таъминлаш усули сифатида банк кафолати қўллаш масалалари муҳокама этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье обсуждено вопросы применение банковской гарантии в качестве обеспечения исполнения обязательства.

**ABSTRACT.** This article discusses the use of a bank guarantee as a security for the fulfillment of an obligation.

**Калит сўзлар:** шартнома, мажбурият, банк кафолати, бенефициар, принципал.

**Ключевые слова:** договор, обязательство, гарантия, бенефициар, принципал.

**Key words:** contract, obligation, guarantee, beneficiary, principal

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт-импорт операцияларини тўлиқ ва ўз вақтида самарали амалга оширилишини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири бу шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни лозим даражада таъминланишидир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг битим ёки шартнома юзасидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишини таъминлаш борасида Фуқаролик кодексининг 22-бобида мажбуриятни таъминлаш усуллари сифатида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатлат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.<sup>1</sup>

Барчамизга маълумки, мажбуриятларнинг таъминлаш усулларини таъминловчи субъектларнинг асосий иштирокчилари сифатида кредитор ва қарздорларни назарда тутиш мумкин.

Мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг махсус усуларининг моҳиятига кўра, кредитор ўз мол-мулкни қарздорга тақдим этган ҳолда уни кредитлаштиради.

Ўз навбатида кредитор қарздордан мажбуриятлар бажарилишини қўшимча тарзда таъминлаш мақсадида учинчи шахслар билан ўзаро келишишни талаб қилиб, уларга муайян турдаги эквивалентга эга бўлган иқтисодий кўринишдаги – шахсий ёки реал кредитлар билан таъминлашни талаб этилади.

Шахсий кредитда агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажара олмаса, унинг ўрнига бажарилмаган мажбуриятни бажаришни учинчи шахс ўз зиммасига олади. Реал кредитда эса, маълум бир шахснинг алоҳида объекти ажратилиб, агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмаса, ушбу объект кредиторнинг барча талабларини қондиришга хизмат қилади.<sup>2</sup>

Бугунги кунда мажбурият тарафлари ҳисобланган кредитор ва қарздор учун жуда қулай ҳисобланган мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида кафолат яъни банк кафолати муҳим ўрин тутмоқда.

Банк кафолати фуқаролик – ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш институти сифатида янги ҳисобланиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳалқаро садонинг ривожланиши натижасида вужудга келган.

Фуқаролик қонунчилигида банк кафолати - банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Фуқаролик кодексининг 299-моддаси мазмунига кўра, банк кафолати бир томонлама битим ҳисобланади. 1992 йил Ҳалқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган “Кафолатни талаб қи-

1 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

2 О сущности и правовых личного и реального кредита см.: Хвостов В.М. Система римского права. М., 1996. С. 326-327.

лиш оид қоидалар” унификациясининг 2-моддасида кафолат – бу банк, суғурта ташкилоти ёки ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахсининг ҳар қандай кафолат ёки пул мажбуриятини ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномани тақдим этилиши орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Фуқаролик кодексидан фарқи унификация қоидаларида кафолатни тўғридан-тўғри ва контрагент турларидан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри кафолатда қарздор тўғридан-тўғри банкка мурожаат қилиб, кафолат беришини сурайди. Контрагент кафолатда эса, мурожаат этилган банк бевосита ўзи кафолат бера олмайди ва у банк-эмитент ҳисобланиб, бошқа бир банк яъни бажарувчи банкка мурожаат этиб бенефициар фойдасига пул тўловларини амалга ошириш вазифасини юклайди. Ҳалқаро банк амалиёти ҳамда шартнома кафолатига оид унификациянинг 2-моддасига мувофиқ, кафолатнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб: тендер кафолати, шартномани бажариш кафолати, тўловларни қайтариш кафолати каби турлардан иборат.

Юридик адабиётларда кафолат суммасини тўлаш механизмини амалга оширишга кўра иккита катта гуруҳга бўлинади: шартли кафолат ва кафолатли талабнома.

Шартли кафолатдаги суммани тўлашда бенефициар принципалнинг шартнома бўйича асосий мажбуриятларни бузганлигини, мажбуриятни ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида суд ёки арбитраж қарорлари ёхуд бошқа ҳужжатларни тақдим этиш орқали кафолатни амалга ошириш лозим. Шартли кафолатни олиш учун бенефициар ўзининг ҳуқуқларини исботлаш лозим. Ушбу кафолат тури шартнома кафолатига оид унификация қоидалари нормалари орқали тартибга солинади.

Кафолатли талабнома шартли кафолатдан фарқли жиҳати, унда бенефициарнинг пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномаси билан биргаликда кафолатда кўрсатиб ўтилган тегишли ҳужжатлар илова қилган ҳолда тақдим этиши билан амалга оширилади.

Кафолат институти хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимида мулкӣ муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланилиб, у ўзининг мустақиллик характерига эга бўлиб, асосий шартномани ҳақиқий эмас деб топилшига ва уни тугатишига асос бўлмайди.

Банк кафолати муносабати субъектлари сифатида кафил, принципал, бенефициардан иборатдир. Қонунчиликка кўра, кафил бўлиб банк, суғурта ташкилоти ва кредит муассасаси бўлиши мумкин. Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутил-

ган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради. Айнан кафолатнинг берилиши кафил ва бенефициар ўртасида вужудга келадиган мажбурият муносабатларига нисбатан юридик факт ҳисобланади.

Банк кафолатининг бошқа мажбурият таъминлаш усулларида асосий фарқи шундаки, у асосий мажбуриятдан мустақил амалга оширилади. Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас. Кафил бенефициар олдидаги мажбуриятини тўлиқ амалга ошириши лозим.

Банк кафолати қўйидаги ҳолатларда ҳам амалда бўлади:

асосий мажбуриятлар тугатилганда ёки ўзгартирилганда;

асосий мажбуриятлар ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда;

кафилга асосий мажбуриятга боғлиқ равишда бенефициар томонидан келтирилган талабга нисбатан эътироз билдиришга ҳақли бўлмаган ҳолларда;

принципалнинг ҳар қандай талаби ёки эътирозига биноан кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини бажармаслик учун асос қилиб кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолларда;

агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра, бекор бўлганлиги ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, бенефициарнинг такрорий талабига кўра амалга оширилиши лозим.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас. Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Бенефициарнинг талаби кафолатда белгиланган муддат тугагунча кафилга тақдим этилиши керак. Амалдаги Фуқаролик кодексига банк кафолатининг шакли юзасидан аниқ бир фикр билдирилмаган, лекин бенефициар албатта кафил ёзма ҳужжатларни тақдим этиши лозим шу сабабли



юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, банк кафолати албатта ёзма тартибда тузилиши шарт бўлиб унда бенефициар тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати назарда тутилган бўлиши бундан ташқари банк кафолати учун жуда муҳим бўлган шартлар унинг амал қилиш муддати ва тўланиши шарт бўлган пул миқдори кўрсатилиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Кафолатни дастлабки тарзда талаб қилишга оид бўлган унификациянинг 3-моддасида кўрсатилишича, барча банк кафолатларда кўрсатилиши лозим бўлган шартлар: 1) принципал ва бенефициарнинг номи; 2) кафилнинг номи; 3) кафолат беришнинг асосий шартномага ҳавола қилинганлиги; 4) тўланадиган пул миқдорининг максимал миқдори; 5) кафолат берилган муддат; 6) тўловни амалга ошириш асослари.

Г.А.Аванесовойнинг таъкидлашича, кафолат мажбуриятида ушбу шартларнинг мавжуд эмаслиги уни ҳақиқий эмас деб топилшига асос бўлади: принципалнинг номи; кафолат бўйича тўланадиган пул миқдори; кафолатнинг муддати.<sup>3</sup>

Шунингдек Л.Г.Ефимовойнинг фикрича, томонларнинг банк кафолати бўйича қўйидаги шартларни ўзаро келишиб олмасликлари тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишларига асос бўлиши мумкин. Жумладан: бенефициарнинг номи; принципалнинг номи; кафолатнинг асосий мажбуриятга ҳавола этилганлиги.<sup>4</sup>

Банк кафолатида унинг муддатини белгилаш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, келгусида аввало бенефициарнинг талаб қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шу билан биргаликда кафилга нисбатан асоссиз ёзма талаб билан мурожаат этиш ҳолатларини олдини олиш имконини беради.

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса - мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун тегишли зарурий чорларни кўриши керак. Ушбу ҳолатларни низоларни ҳал қилаётганда албатта инобатга олиш зарурдир.

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга ило-

ва қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади. Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади. Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди. Агарда кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса ёки тўловни кечиктирса у фуқаролик қонунчиик асосларига кўра пул мажбуриятларини бажармаганлик қоидаларига жавобгар бўлади.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- 2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.<sup>5</sup>

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади. Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача

3 Аванесова Г.А. Применение банковской гарантии в товарном обороте: Автореферат кандидатский диссертации. М., 1999. С. 15.

4 Ефимова Л.Г. Банковские сделки // Комментарий законодательства и арбитражной практики. Юридическая фирма "Контракт"; Издательский до "ИНФРА-М", 2000. С. 276

5 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 10.01.2018 й., 03/18/459/0539-сон.

тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга кафолат шартларига номувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдигаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас. Ушбу ҳолат юзасидан айрим олимларнинг фикрича, фақатгина принципал билан кафил ўрасида шундай келишув бўлган тақдирдагина кафил принципалдан регресс талабларни қўйиш мумкинлигини таъкиллашади.<sup>6</sup>

Айнан ушбу масалалар бўйича Витрянский В.В. фикрича, эса улар ўртасида ўзаро келишув бор ёки йўқлигидан қатъи назар, кафил принципалга ре-

гресс талабларини қўйишга ҳақлидир. Чунки, бу битим ҳақ эвазига тузиладиган битим ҳисобланиб келиниши ҳамда принципалнинг кафилга нисбатан унинг талабларини қондирмаслиги фуқаролик ҳуқуқи адолатлилиқ принципларига зид ва принципалнинг асоссиз бойишига олиб келиши мумкин.<sup>7</sup>

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, банк кафолати мажбуриятни таъминаш усуллари ичида ўзининг алоҳида белги ва хусусиятларига эга бўлиб, мажбурият иштирокчилари учун ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришда муҳим аҳамиятга эга ҳамда тарафларнинг манфаатларини тўлақонли таъминлашда муҳим роль уйнайди.

#

6      Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации (часть первая) (под ред. Т.Е. Абовой, А.Ю. Кабалкина) включен в информационный банк согласно публикации - Издательство «Юрайт», 2002.

7      Монография М.И. Брагинского, В.В. Витрянского «Договорное право. Общие положения» (Книга 1) включена в информационный банк согласно публикации - Издательство «Статут», 2001 (издание 3-е, стереотипное).

## «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



### На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

